



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 31-dekabr, payshanba, 52 (632)-son

e-mail: xxi\_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

# РАҲМАТ, 2015! АССАЛОМ, 2016!

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2016 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва жамоат аربоблари Президентимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини юборганлар.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаганлар:

- |  |                                     |
|--|-------------------------------------|
| Америка Қўшма Штатлари Президенти  | — Барак Хусейн Обама                |
| Россия Федерацияси Президенти  | — Владимир Путин                    |
| Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси  | — Дмитрий Медведев                  |
| Хитой Халқ Республикаси Раиси  | — Си Цзиньпин                       |
| Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири  | — Ли Кэцян                          |
| Корея Республикаси Президенти  | — Пак Кин Хэ                        |
| Бирлашган Араб Амирликлари Президенти  | — Шайх Халифа бин Зойд Ол Наҳаён    |
| Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими              | — Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум |
| Бирлашган Араб Амирликлари Куролли кучлари Бош қўмондонининг ўринбосари, Абу Даби валиаҳди | — Шайх Муҳаммад бин Зойд Ол Наҳаён  |
| Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири                        | — Шайх Сайф бин Зойд Ол Наҳаён      |
| Испания қироли   | — Фелипе VI                         |
| Польша Республикаси Президенти   | — Анжей Дуда                        |
| Канада Генерал-губернатори   | — Дэвид Ллойд Жонстон               |
| Қозоғистон Республикаси Президенти   | — Нурсултон Назарбаев               |
| Туркменистон Президенти  | — Гурбангули Бердимухамедов         |
| Тожикистон Республикаси Президенти   | — Имомали Раҳмон                    |
| Қирғиз Республикаси Президенти   | — Алмазбек Атамбаев                 |
| МДҲ Ижроия қўмитасининг раиси — Ижро этувчи котиби   | — Сергей Лебедев                    |
- Табрикномалар келиши давом этмоқда.



Ватан равнақи, буюк наелағи учун яшаш, меҳнат қилиш барча-барчамизнинг эзгу ниятимизга айланган. Мақсадимиз, манзилимиз аниқ экани учун қисқа муддатда дунёдаги номдор мамлакатлар фуқаролари сафидан жой олдик. Уйдагир ҳар бир йиллимиз кувончли воқеаларга бой бўлаётгани боиси ана шунда бўлса не ажаб!

Тарихга айланган 2015 йил ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Бунинг учун бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларини бир-бир кўз ўнгимизга келтиришни ўзи кифоя. Уларни барчасини қоғозга туширсак мухтасар мақола эмас, катта китобга ҳам сигмаслиги тайин. Масалан, халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида энг муҳим воқеа — Президент сайлови халқро қонун-қонидларга мос, муқобиллик асосида ўтган сиёсий жараёнда O'zLiDeP номзоди энг кўп овоз берилди. Янги шаклланган парламентимиз аъзолари самарали фаолият кўрсатди. Олий Мажлис қўйи палатасида энг кўп ўринга эга O'zLiDeP фракцияси қонун ижодкорлигида либерал гояларнинг байроқдори бўлди. Партияннинг асосий электорати ҳисобланмиш минглаб ишбилармон ва тadbirkorлар, қишлоққа аллақачон ҳал қилувчи кучга айланган фермерларимиз саъй-ҳаракати билан хусусий корхоналарнинг ялли ички маҳсулотдаги салмоғи ошиб бermoқда.

Ўз фаолиятини O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси фармойишлари, партия платформаси ва Сайловди дастурида белгилаган вазифалар асосида олиб борган «XXI asr» газетаси ижодий жамоаси ҳам йил давомида мамлакатимизда рўй берган энг муҳим воқеалар, партиямиз раҳбар органи ҳамда жойлардаги ҳудудий кенгашлари фаолияти, депутатларимиз томонидан олиб бориладиган қўлланма ишлар, бошланғич ташкилотларнинг бир қарашда унчалик кўзга ташланмайдиган, либерал гояларга асосланган тарғибот тадбирлари моҳиятини имкон даражасида ўз ўқувчиларига етказишга ҳаракат қилди.

Газетаниннг ҳар сониде алоҳида жой ажратилган «Бошланғич партия ташкилотларида» саҳифасида фақат кўйи бўғинлар фаолиятига эмас, балки хориж мамлакатларидаги сиёсий партиялар бошланғич ташкилотлари тажрибаси, иш юритиш усуллари хусусида ҳам мақолалар берилди бошланган янглик бўлди, дейиш мумкин.

«Халқаро ҳаёт» саҳифасининг «Ҳаёт ҳақиқатлари» номи билан чиқаётгани ҳам унинг мазмун-моҳиятини янада бойитишга хизмат қилмоқда. Газетаниннг барча сонларида «Парламентда», «Фракция фаолияти» рункларни остида бериб борилаётган мақолалар қўлданроқлиги ортди.

«Қишлоқ мулкдорлари», «Эл эътиборидаги либераллар» саҳифаларида энг илгор, тажрибали фермерлар, ишбилармон инсонлар ҳаётига оид очерк ва лавҳалар, нафақат газетамиз ижодкорлари, балки кўплаб ташки муаллифларнинг изчил ихлошларга бағишланган мақолалари йил давомида мунтазам бериб борилади.

«Кескаларни эъзолаш йили» Давлат дастурининг жойлардаги ижросига партия ташкилотлари, хусусий тadbirkorлик субъектлари кўшаётган ҳиссалар, янги иш жойлари ташкил этиш, ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказилган оммавий тадбирлар, «Аёллар қаноти», «Ешлар қаноти» фаолиятига доир долзарб мақолалар сон жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам ўзгача мазмун кашф эта бошлагани ижодий жамоаниннг доимий изланишлари самарасидир.

Эътиборлиси, янги йил кирмасдан газетамизда янги рунклар очилди. 2016 йилда улар янада кўпаяди. Энг муҳими, ният яхши, мақсад яхши, режа яхши! Улуғвор вазифаларни амалга оширишда барча партиядошларимиз, кўпининг соли електоратимиз ҳам фаол иштирок этишига ишонамиз.

Уларнинг она Ватанимиз тараққиёти йўлидаги бунёдкорлик ишларини ёритишга эса «XXI asr» камарбастидир. Шунинг учун ҳам барчамиз жўр бўлиб «Раҳмат, 2015! Ассалом, 2016!», дея оқлишлаймиз. (Янги йил байрамга бағишланган мақола ва хабарларимиз билан 4-5 саҳифаларда танишишнгиз мумкин.)

## ПАРЛАМЕНТДА

### Сайловчилар мурожаатлари депутатлар муҳокамасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги ййгилишида депутатларнинг жорий йил ноябрь ойида сайловчилар билан ўтказган учрашувлари натижалари атрофлича таҳлил қилинди. Қарилли икки соат давом этган ййгилишда қатор вазирлик ва идоралар вакиллари ҳам қатнашди.

Фракция аъзоси Эркин Холбўтаевнинг таъкидлашича, депутатларимиз томонидан жами 457 та учрашув ўтказилиб, уларда 48 мингта яқин сайловчи иштирок этди. Юз-ма-юз мулоқотлар чоғида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти аҳолига кенг тушунтирилди. — Учрашувлар давомида шунга амин бўлдимики, бугунги сайловчи кечагидан бутунлай фарқ қилади. Уларнинг дунёқарашини юксалиб бораётди, — дейди Э.Холбўтаев. — Зеро, илгари сайловчилар депутатларга аксарият ҳолларда фақат ижтимоий-маиший, баъзан шахсий масалалар юзасидан мурожаат қилишган бўлса, эндиликда улар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, ўз ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ жараёнларни гапиришмоқда. Жойлардаги муаммолар буй-

ича кўплаб саволлар беришараяпти. Хусусан, бу галги учрашувларда турли соҳаларга таллуқли 1700 дан ортик савол ва тақлифлар тушди. Аҳамиятлиси, қурилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг 35,7 фоизи жойида ҳал этилди. Қиёсий таҳлилларга таянадиган бўлсак, шикоятлар сони 2010 йилга нисбатан 10 баробарга камайган. Бу эса мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар туфайли аҳоли турмуш фаровонлиги йилдан-йилга яхшиланаётганидан далолатдир. Шу ўринда депутатларимиз томонидан ҳудудларда ёшлар билан алоҳида учрашувлар ўтказилганини таъкидлаш жоиз. Унда «Тараққиёт йўлимииз белгилаб берган Конституциямизнинг қабул қилиниш тарихи»,

«Миллий қонунчилик ва ёшлар», «Конституция демократик ҳуқуқий давлат қуриш кафолатидир», «Бош қомусимиз — ислохотлар пойдевори» каби мавзуларда олиб борилган суҳбатлар учрашувларнинг анча жонли ва самимий руҳда ўтишини таъминлади. Депутатлар бевосита мажлисда иштирок этган тегишли вазирилк ва ташкилотлар мутасаддиларига кўлаб саволлар билан мурожаат қилишди. Уларда кўтарилган масалаларнинг аксарият қисми коммунал хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим, банк-молия, қишлоқ хўжалиғи ва тadbirkorлик соҳаларига тегишлилиги, жойларда айнан шу тармоқларга доир айрим муаммолар ўз ечимини кутаётгани таъкидланди.

Депутатлар бевосита мажлисда иштирок этган тегишли вазирилк ва ташкилотлар мутасаддиларига кўлаб саволлар билан мурожаат қилишди. Уларда кўтарилган масалаларнинг аксарият қисми коммунал хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим, банк-молия, қишлоқ хўжалиғи ва тadbirkorлик соҳаларига тегишлилиги, жойларда айнан шу тармоқларга доир айрим муаммолар ўз ечимини кутаётгани таъкидланди.

## Амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

**Қўмита журналистларга «имтиҳон» топириди**

Парламент қўйи палатасининг Аграр ва сув хўжалиғи масалалари қўмитаси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этилди. «Аграр соҳаниннг ҳуқуқий асослари ва уларни тақомиллаштириш истиқболлари» деб номланган тадбирда O'zLiDeP фракцияси масъуллигидаги ушбу қўмитаниннг 2015 йилдаги фаолияти яқини муҳокама қилинди. Депутатларининг ҳаммасларининг «имтиҳон» топириши тақвиротлар билан газетамизнинг навбатдаги сониде тақишасиз.

2015 йилнинг 29 декабрида Президентимиз Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги янги қонунни имзолади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мазкур ҳужжат ислохотларнинг «ўзбек модели»ни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини либераллаштириш ва демократлаштириш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчил одимлаш, фуқароларнинг ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантиришга фаол таъсир кўрсатиши учун шароитларни янада тақомиллаштириш, улар фаолияти устидан самарали жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатиш жараёнларининг мантиқий давоמידир. Партиямиз фаолларининг қуйидаги фикрлари шу ҳақда.

**Раҳматилла КАРИМОВ,** Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистонда сайлов кампанияси бир нечта узвий боғлиқ босқичлардан иборат тизимли жараён. O'zLiDeP фикрича, шу босқичлар ичиде барча демократик

давлатларда катта эътибор қаратиладиган сайловди таъвиқоти алоҳида ўрин эғалайди. Мамлакатимизда демократик сайловни ташкил этиш бевосита овоз беришни яширин, қолган барча жараёнларни очик-ошкора ўтказиш таъмиқлига асосланади. Сайловди таъвиқоти масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ тар-

тибга солиш тобора долзарб аҳамият касоб этмоқда. Шу маънода Президентимиз томонидан имзоланган янги қонун сайловга оид қонунчиликни тақомиллаштиришнинг мантиқий давоми бўлди. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги қонунда сайловди таъвиқоти тушунчаси мустаҳкамлаб қўйилди. Сайловди таъвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатта олинган кундан эътиборан бошланади. Яъни, сиёсий партиялар уларнинг номзоди рўйхатта олиниши билан қисқа муддатда сайловди кампаниясини бошлаши мумкин.

Сайлов кунини ва овоз бериш бошланғичидан бир кун аввал сайловди таъвиқоти юритишга йўл қўйилмайди. Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади.

O'zLiDeP фикрича, янги қонуннинг кучга кириши фуқароларнинг сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш эркинлиғи таъмиқлирини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг янада юксак даражага кўтариб, демократик таъмиқлиларга мос сайлов тизimini шакллантириш ва ривожлантириш соҳасидаги қуқур ислохотларнинг янги босқичини бошлаб беради.

Азамат СЕЙТОВ, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудири: — Ушбу меъёрий ҳужжатга мулофиқ, «Ахборот олиш кафолат-

## ИЛК КҮРИК-ТАНЛОВЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ СОВРИНДОРЛАРИ

«O'ZLiDeP — АМАЛИЙ ИШЛАР ПАРТИЯСИ». УШБУ ТАЪРИФ НАҚАДАР Тўғри ЭКАНЛИГИ БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРДА ЯНА БИР ҚАРРА ўЗ ИСБОТИНИ ТОПДИ. ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ДЕЙСИМИ? 2015 ЙИЛНИНГ 25-26 КУНЛАРИ Бўлиб ўТган ўзига ХОС ТАДБИРЛАР ТАҚСИЛОТЛАРИ ВА ТААССУРОТЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШНИ ИСТАСАНГИЗ, ИЧКИ САҲИФАЛАРИГА ЮЗЛАНИНГ. «XXI ASR» ГАЗЕТАСИНИНГ БЕХҲОД ИСРОИЛОВА, СОЛИЖОН ЗОИРОВ ВА ОЗОД РАҲАБОВ КАБИ ИЖОДКОРЛАРИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН МАҚОЛА ВА ИНТЕРВЬУЛАР, СУРАТЛИ ЛАВҲАЛАР СИЗНИ БЕФАРҚ ҚОЛДИРМАЙДИ, ДЕГАН УМИДАМИЗ. ДАРВОҚЕ, ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБILARMONLAR ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ИЛК БОР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КҮРИК-ТАНЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ СОВРИНДОРЛАРИНИ ТАҲРИРИЯТИМИЗ ХОДИМЛАРИ НОМИДАН ҚўШАЛОҚ ТАНТОНА БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 29 декабрдан бошлаб валюта операциялари буйича  
бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий  
тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:<sup>1)</sup>

1 Австралия доллари	2042,29	1 АҚШ доллари	2809,98	1 Хитой юани	433,88	1 Польша злотийси	727,96	1 ЕВРО	3074,19
1 Англия фунт стерлинги	4191,93	1 Миср фунти	358,87	1 Россия рубли	39,99	1 СДР	3903,62	10 Жанубий Корея вонини	24,15
1 Дания кронаси	413,29	1 Исландия кронаси	21,80	1 Украина гривнаси	121,45	1 Туркия лираси	966,16	10 Япония иенаси	233,35
1 БАА дирҳами	765,12	1 Канада доллари	2030,33	1 Малайзия ринггити	654,09	1 Швейцария франки	2849,59		

<sup>1) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни  
уйбуй қийматде сотиш еки сотиб олиш мажбуриятини олмайван.</sup>



# ТАФСИЛОТ



# ИЛК КЎРИК-ТАНЛОВЛАРНИНГ

«...2003 йилда ташкил этилган бу партия ўзининг олдига қўйган мақсад ва дастурлари, амалий ташаббус ва ҳаракатлари билан доимо халқимиз ғам-ташвишларини, муаммоларини ечишда, эл-юртимиз фаровонлигини янада ошириш йўлида ўзига тобора катта обрў-эътибор қозонмоқда.

Бу ҳақиқатни 2014 йил 21 декабрда олий мажлис қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловларнинг натижалари ҳам яққол тасдиқлади. Сайловларда партия номзодларидан 52 нафари олий мажлис қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиб, мазкур қонун чиқарувчи органда энг кўп ўринни қўлга киритганининг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ушбу партия эришган марраларнинг амалий намоёни, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади».

Ислом ҚАРИМОВ.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг микёсли ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада юксалтириш, уларнинг мамлакатимиз келажагини барпо этишдаги масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан кўппартиявийлик тизimini ривожлантириш ва мустақамлашга қаратилган эътибор самарасида сиёсий партияларнинг давлат аҳамиятидаги муҳим масалаларини ҳал этишдаги ўрни ва таъсирчанлиги ортапти. Сиёсий партиялар Ўзбекистон қонунчилиги базасида асосланган ҳолда жамиятни тубдан янгилаш жараёнининг ҳал этувчи кучига айланиб бормоқда.

Шу муносабат билан О'зЛиДеР бугунги куннинг юксак талабларига жавоб бериш, ўз фаолиятини мамлакатимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланиш жараёнларига одамлар хоши-иродаси ва фикрига, ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ва аҳолининг интилишларига уйғунлаштириш учун ўзининг бошланғич партия ташкилотидан тортиб марказий органгача бўлган барча бўғинлари фаолиятини муттасил такомиллаштириб бориши лозим, деб ҳисоблайди. Демак, О'зЛиДеР мамлакатимиздаги етакчи партия сифатида сиёсий сахнада ўз електорати, мулк эгалари, фермерлик ҳаракати ва хизмат кўрсатиш соҳасининг интилишларини ифода этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга қулай шароитлар яратиш учун партиянинг барча

бўғинлари фаолиятини узлуксиз яхшилаб бориши лозим.

Йил бошдан буён тизимли равишда, босқичма-босқич ўтказилган «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти», «О'зЛиДеРдан маҳаллий вакиллик органларига сайланганлар орасида «Йил депутати» ва «Энг намунали туман (шаҳар) партия ташкилоти» кўрик-танловлари ҳам ана шу мақсадга қаратилган. Нафақат яқин сафдош-у тарафдорларимиз, балки кўп миң сонли электоратда улкан қизиқиш уйғотган ушбу тадбир жойлардаги партия бўғинлари фаолиятини самарадорлигини ошириш, ибрат кўрсатаётганларни рағбатлантириш, «О'зЛиДеР фаоли» деган ном нуфузи ва имижини янада юксалтириш, шунингдек, аҳолига маҳаллий вакиллик ҳоқимияти органларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган ишларни тарғиб этиш ва тушунтиришга хизмат қилмоқда.

Куни кеча партияимиз ташаббуси билан илк мартаба, бутунлай янгича ёндашувлар асосида уюштирилган мазкур кўрик-танловнинг якуний босқичи юксак савия, замонавий талаблар даражасида ташкил этилди. Ушбу тадбир О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ходимларининг ташкилотчилик маҳоратини ҳам яна бир қарра намоёни этиди, десак мулолаға бўлмайди. Унда партиянинг парламент куйи палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, О'зЛиДеР худудий кенгашлари, партия електорати ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Партия Сиёсий Кенгаши

Ижроия қўмитаси раиси Содикжон Турдиев кўрик-танловнинг очилиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қўламли модернизация жараёнларини ҳаётга татбиқ қилишга муносиб ҳисса қўшиш О'зЛиДеР учун ғоят масъулиятли вазифа, айни пайтда катта шараф эканлиги, изчил ислохотлар тўғайли одамларнинг онгу тафаккури ўзгариб, уларнинг дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаолиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганлигини таъкидлади. Якуний босқичга етиб келган танловнинг партиявий ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд этиб, ҳакамлар ҳайъати ўз ишини адолат тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда олиб бораётганини маълум қилди.

Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Бахтиёр Якубов тўпланганларга танловни ўтказиш тартиб-таомиллари, қатнашчилар эътибор қаратиши зарур жиҳатлар хусусида атрофлича ахборот берди. Иштирокчилар, партия фаолилари, ОАВ вакилларини танлов учун махсус жиҳозланган, унинг бекаму куст ўтишига барча шароит яратилган залларга таклиф этди.

ли бажаришда О'зЛиДеРнинг худудлардаги таянчи бўлган бошланғич партия ташкилотлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Маслақдошларимизни партия ҳаётидан доимий хабардор этиш, турли ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйиш, фуқароларнинг хоши-истакларини, жойлардаги муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда партиявий воситалар орқали унинг ечимини топилишига кўмаклашиш айнан куйи тузилмалар фаолиятини самарадорлигига боғлиқ. Бошқача айтганда, О'зЛиДеР бошланғич етиб келган танловнинг партиявий ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд этиб, ҳакамлар ҳайъати ўз ишини адолат тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда олиб бораётганини маълум қилди.

Таянч тузилма орасидан 14 та энг илгор БПТ етакчиси навбатма-навбат ҳакамлар ҳайъати аъзолари олдида сўзга чиқиб, видеослайдлар ёрдамида ўз фаолиятини самаралари, эришилган натижаларини батафсил баён этдилар. Шунингдек, ҳайъат аъзоларига БПТлар фаолиятини акс эттирган ҳужжатлар йиғмажилдлари, фотоальбомлар, компьютер дисклари ҳам тақдим этилди.

— Шу йил бошида бошланғич ташкилотга раис этиб сайландим, — деди «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» АЖдаги БПТ етакчиси Суннатилла Баратов. — 2014 йилда аъзолар сони 638 нафар эди. Ҳозир эса деярли 2500 сафдошимизни жиپслаштириб турибди. Уларнинг 60 фоизи ёшлар экани диққатга сазовор. Албатта, бу чегара эмас. Чунки яна кўплаб ишчи-ходимлар партияимиз сафига ўтиш истагини таъминлаш, партия електорати учун қулай бизнес муҳитини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси О'зЛиДеРга нафақат сизда атрофлича ахборот берди. Иштирокчилар, партия фаолилари, ОАВ вакилларини танлов учун махсус жиҳозланган, унинг бекаму куст ўтишига барча шароит яратилган залларга таклиф этди.

лар турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ масала халқ депутатлари шаҳар кенгаши сессиясида кўрилишига эришдик.

Шу ўринда мамнуният билан айтиш керакки, танлов жараёни иштирокчилар ўртасида нотиқлик маҳорати, муомала, ўзини тутиш маданияти ва бошқа фазилатлар бўйича ҳам ўзига хос мусобақага айланиб кетди. 7 кишидан иборат ҳакамлар, хусусан, ҳайъат раиси Содикжон Турдиев голибликка даъвогарларга танлов баҳолаш мезонларидан келиб чиққан ҳолда турли саволлар беришди.

## «ЭНГ НАМУНАЛИ ТУМАН (ШАҲАР) ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ»

Мамлакатимиз иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизация қилишга доир стратегик вазифаларни бажаришда О'зЛиДеРнинг туман (шаҳар) ташкилотлари алоҳида ўрин эгаллайди. Жойларда либерал мафқуранинг тарғиб этиш, електоратнинг қонуний маффаатларини ҳимоя қилиш самарадорлиги, қонун устуворлигини таъминлаш, партия фаоллари билан алоқани мустақамлаш бевосита шу тузилмаларнинг самарали фаолиятига ҳам боғлиқ.

Партия маҳаллий кенгашлари томонидан БПТлар иштини такомиллаштиришга доир тизимли ишлар бажарилаёпти. Бошланғич ташкилотлар етакчилари сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлик укувларини тугаллаб, сиёсий таълим марказларида ташкил этилаётган семинар ва тренингларида иштирок этмоқда, партиянинг барча тадбирлари БПТларнинг фаол иштирокида ўтказилмоқда. Натижада партиянинг янги аъзолари сафи кенгайиб (2014 йилга нисбатан 51 фоиз ўсиш), уларнинг жиپлашуви, фаолиги, куйи бўғинлар ташаббускорлиги кучаймоқда. Електорат вакилларига қонунчиликдаги янгилликлар, аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фермер ҳужаикаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Кези келганда, танлов давомидаги айрим мисолларга ҳам тўхталиб ўтишимиз жоиз. Масалан, О'зЛиДеР Қарши туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзатилла Мирзариёмов, Наманган шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Соҳиба Гаппарова ва бошқалар ҳакамлар ҳайъатига партия Дастури ва Уставига мувофиқ олиб

борилаётган ана шундай ишлар тўғрисида кўргазмали қуроллар ёрдамида муфассал ахборот бердилар.

Чунончи, партия Самарқанд шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Қодир Шойимовнинг маълум қилишича, 2015 йилда Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси йиғилишлари баённомалари шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси мажлисларида муҳокама этилиб, уларнинг ижроси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган ва назоратга олинган. Шунингдек, юқори партия органларининг 40 дан зиёд фармойиш, қарор, кўрсатма ва хатлари рўйхатга олиниб, вақтида бажарилиши таъминланди. Кенгаш томонидан жиҳобот даврида йирик ташкилий-партиявий тадбирлар — 2 та конференция, 2 та кенгайтирилган йиғилиш, шаҳар кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи билан 5 та қўшма мажлис, бир неча амалий семинар ташкил этилди. О'зЛиДеР дастурий гоғларини омма ўртасида тарғиб этиш мақсадида 200 га яқин давра суҳбати, учун устуворлигини таъминлаш, партия фаоллари билан алоқани мустақамлаш бевосита шу тузилмаларнинг самарали фаолиятига ҳам боғлиқ.

Жиддий рақобат руҳида ўтган мазкур тақдимот якунлангач, энг муносибларни аниқлаш учун тайинланган маъсۇллар танлов низомида белгиланган 10 та мезон бўйича партия туман кенгашлари фаолиятини баҳолашга киришдилар. Хусусан, юқори партия ташкилотидан берилган топшириқлар бажарилишида ижро интизомига қатъий риоя этилиши, БПТлар ва партия аъзоларининг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан ўсиши, тадбиркор ва фермерларнинг мурожаатларига биноан улар дуч келаётган муаммолар ҳал этилиши, депутатлар билан ҳамкорлик сингари жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

О'зЛиДеРдан МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИГА САЙЛАНГАНЛАР ОРАСИДА «ЙИЛ ДЕПУТАТИ»

О'зЛиДеРнинг 2,1 миң нафардан ортик азоси вакиллик ҳоқимиятининг барча даражаларида депутатлик фаолиятини амалга оширмоқда. Айнан шу рақамни

— О'зЛиДеР кўрик-танловининг бош мақсади голибларни аниқлаш билан чекланмайди, — дейди халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутати Тоҳир Бахронов. — Энг муҳими, бу каби тадбирлар жойлардаги партия тузилмалари фаолиятини рағбатлантириб, самарадорлигини оширади, уларни худудлар ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётига янада чуқур кириб боришга ундайди.

Мен депутатлик фаолиятимни амалга оширад эканман, давлатимиз раҳбарининг фикрлари ҳаёлимни банд қилиб туради: «Депутат бу – халқдан, халқнинг дарди билан яшайдиган инсон. Агар у эл-юрти деб ташвиш чекадиган бўлса, шу мақсадда фидойилик кўрсатадиган бўлса, мана шундай одамларни мен депутат деб биламан». Бугун биз бор билим ва иқтидоримизни ана шу юксак таърифга муносиб бўлиш учун йўналтиряпмиз. Партияимизнинг «Йил депутати» танловини ташкил этиши эса бу борадаги масъулиятимизни янада оширди. Зотан, бундай эътироф аввалгидан ҳам яхшироқ ишлашга ижобий маънода туртки беради. Чунки донишмандлар айтганидек, голибликни қўлга киритиш осон иш эмас. Лекин ана шу мавқени сақлаб қолиш ундан-да мушкул, ундан-да оғир.



## «ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ»

Мамлакатимиз иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизация қилишга доир стратегик вазифаларни тизим-

йилга нисбатан БПТлар сони 22 фоизга ортди.

Кўрик-танловнинг куйи босқичларида 8 миңга яқин БПТ иштирок этди. Мана шу рақам ҳам танловга қизиқишнинг нечоғли юқорилигидан дарак бераётди. 280 миңдан ортик О'зЛиДеР аъзоларини бирлаштирган 9700 та

яқши йўлга қўйилганлиги эса ўтган 11 ойда тушган 50 га яқин мурожаатнинг аксарияти ижобий ҳал қилинишига имкон берди. Жумладан, «Зафар пласт» МЧЖ ҳамда коллеж битирувчиси С. Холдоровга кредит ажратилишига кўмаклашилди. Эътиборлики, «Олтин» МФЙ худудида яшовчи-





# ТААССУРОТ



# ДАСТЛАБКИ СОВРИНДОРЛАРИ

келтираётганимиз бежиз эмас, албатта. Зеро, партиямиз депутатлик бирлашмалари зиммасига амалдаги қонунчилик, давлат дастурлари, давлатимиз раҳбарининг фармонлари, ҳукумат қарорлари ҳамда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини назорат ва таҳлил қилиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш учун депутатлик эшитувларини ташкил этиш ҳамда уларни партия воситалари орқали ўз вақтида ҳал қилиш каби муҳим вазифалар юклатилган.

2015 йилнинг 9 ой давомида партия депутатлик гуруҳлари томонидан 300 дан ортиқ назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилиб, маҳаллий ҳокимликлар ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг мингдан ортиқ ахбороти эшитилган. Турли масалалар бўйича тегишли идора ва ташкилотларга 3 мingga депутатлик сўровлари йўлланиб, барчасига асосланган тушунтириш ва аниқ жавоблар олинган. Амалий натижалар сифатида назорат-таҳлил тадбирлари якунларига кўра О`zLiDeP депутатлик гуруҳларининг аниқ позициясини акс эттирувчи 650 дан ортиқ амалий тавсия ишлаб чиқилганини келтириш мумкин. Уларнинг ярмидан ортиги халқ депутатлари кенгаши, бешдан бир қисми доимий комиссиялар муҳокамасига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Шунинг баробарида депутатлик корпусида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланган вазифалар асосида бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштиришнинг долзарб масалаларини ўрганиш ва ечимини излаш бўйича қатъий позициясини шакллантирган. О`zLiDePдан сайланган барча даражалардаги депутатлар қонунчилик нормаларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, уларнинг ижроси устидан самарали ва таъсирчан назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

**Мазкур жараёнда О`zLiDePнинг барча бўғинлари ва депутатлик корпуси ўртасидаги «қуйидан — юқорига» тамойилга асосланган ўзаро ҳамкорлик механизмлари алоҳида ўрин эгаллайди. О`zLiDeP тузилмалари ва депутатлик бирлашмалари олдида амалдаги қонунчилик, Давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари ҳамда худудлар-**

**ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини назорат ва таҳлил қилиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш учун депутатлик эшитувларини ташкил этиш ҳамда уларни партия воситалари орқали ўз вақтида ҳал қилиш каби муҳим вазифалар кўйилган.**

— О`zLiDeP кўрик-танловининг бош мақсади ғолибларни аниқлаш билан чекланмайди, — дейди халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутати Тоҳир Бахронов. — Энг муҳими, бу каби тадбирлар жойлардаги партия тузилмалари фаолиятини рағбатлантириб, самарадорлигини оширади, уларни худудлар ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётига янада чуқур кириб боришга ундайди.

Мен депутатлик фаолиятини амалга оширар эканман, давлатимиз раҳбарининг фикрлари ҳаёлимни банд қилиб туради: «Депутат бу — халқдан чиққан, халқнинг дарди билан яшайдиган инсон. Агар у эл-юрти деб ташвиш чекадиган бўлса, шу мақсадда фидойиллик кўрсатадиган бўлса, мана шундай одамларни мен депутат деб билман». Бугун биз бор билим ва иқтидоримизни ана шу юксак таърифа муносиб бўлиш учун йўналтирялмиш. Партиямизнинг «Йил депутати» танловини ташкил этиши эса бу борадаги масъулиятимизни янада оширди. Зотан, бундай эътироф аввалгидан ҳам яхшироқ ишлашга ижобий маънода туртки беради. Чунки донишмандлар айтганидек, ғолибликни кўлга киритиш осон иш эмас. Лекин ана шу мавқени сақлаб қолиш унданда мушкул, унданда оғир.

Танлов илғор тажрибани жойларга кенгроқ ёйиш, партия ва электротар, сайловчилар ўртасидаги ўзаро алоқани кучайтиришга хизмат қилади, электротарти партия ҳаётида фаолроқ иштирок этишга қақиради. Бугун танлов синовидан ўтган бошланғич партия ташкилотлари мисолида айтиш мумкин, партия фаоллари аҳоли ва электротар билан бевоқиф алоқа ўрнатишга доир янги технологияларни ўзлаштириди, партия ички интизомини такомиллаштириш, жойларда маданий-оммавий тадбирлар ўтказишнинг илғор усулларини ўрганди.

Муҳтасар айтганда, бу каби танловлар О`zLiDePга ташаббускор ва ўз ишига ижодий ёндашаётган, партия Сайловолди дастури, долзарб аҳамиятга эга бўлишига, партия фаолиятининг барча йўналишлари бўйича

**«Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» — «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятидаги БПТ (Тошкент вилояти).**

**«О`zLiDePдан маҳаллий вакиллик органларига сайланганлар орасида «Йил депутати» — Тоҳир Саидович Бахронов (халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутати).**

**«Энг намунали туман (шаҳар) партия ташкилоти» — О`zLiDeP Самарқанд шаҳар кенгаши (Самарқанд вилояти).**



— Шу йил бошида бошланғич ташкилотга раис этиб сайландим, — деди «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» АЖдаги БПТ етакчиси Суннатилла Баратов. — 2014 йилда аъзолар сони 638 нафар эди. Ҳозир эса деярли 2500 сафдошимизни жипслаштириб турибди. Уларнинг 60 фоизи ёшлар экани диққатга сазовор. Албатта, бу чегара эмас. Чунки яна кўплаб ишчи-ходимлар партиямиз эмас. Ўтиш истагини билдиришмоқда. Бунда БПТ томонидан ўтказилаётган

говий-сиёсий тадбирлар таъсири сезиларли бўляпти. Аиниқса, ёшлар аудиториясига мўлжалланган, Юртбошимиз асарлари мазмун-моҳияти, О`zLiDeP дастурий вазифаларини тушунтиришга бағишланган мулоқотлар қўлланган натижаларни бераёпти. Партиямиздан сайланган депутатлар билан ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилганлиги эса ўтган 11 ойда тушган 50 га яқин мурожаатнинг аксарияти ижобий ҳал қилинишига имкон берди. Жумладан, «Зафар пласт» МЧЖ ҳамда коллеж битирувчиси С.Холдоровага кредит ажратилишига кўмаклашилди. Эътиборлиси, «Олтин» МФЙ худудида яшовчилар турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ масала халқ депутатлари шаҳар кенгаши сессиясида кўрилишига эришдик.

белгиланган вазифалар ижросида фаол иштирок этаётган БПТлар, худудий партия кенгашилари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашиларидаги депутатлик гуруҳларини аниқлаш, партия олдида турган мақсад ва вазифаларни самарали бажариш сари руҳлантириш имконини берди.

## МЕХНАТДАН ЯРАЛГАН ЭЪТИРОФ МУБОРАК, АЗИЗ САФДОШЛАР!

Янги кўрик-танловларнинг дастлабки ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими пойтахтимиздаги Санъат ва маданият институтининг муҳташам ўқув театри биносиде юксак савияда ташкил этилди. Эл ардоғидаги хонандалар ва мазкур даргоҳнинг иқтидорли талабалари билан танишишимиз мумкин: «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» — «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ак-

циядорлик жамиятидаги БПТ (Тошкент вилояти).

«О`zLiDePдан маҳаллий вакиллик органларига сайланганлар орасида «Йил депутати» — Тоҳир Саидович Бахронов (халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутати).

«Энг намунали туман (шаҳар) партия ташкилоти» — О`zLiDeP Самарқанд шаҳар кенгаши (Самарқанд вилояти).

Ғолибларга аталган мукофотларни О`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Содиққон Турдиев тантанали тарзда тақдим қилди. Тадбир иштирокчилари нигоҳидаги мамнуният ва шижоат эса уларнинг партиявий фаолиятида янги-янги марраларни забт этиш режаларини тузаётганидан, эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамлигидан дарак бериб турарди...

## РАҒБАТДАН РУҲЛАНДИК

О`zLiDeP томонидан ташкил этилган «Энг намунали туман (шаҳар) партия ташкилоти» кўрик-танловининг республика босқичида мутлақ ғолибликни кўлга киритганимиз бизни руҳлантириб юборди. Бундай ишонч кейинги фаолиятимиз, хусусан, партиянинг бошланғич ташкилотлари ишини самарали ташкил этишимиз учун янгидан-янги режалар тузишга рағбат уйғотди.



Қодир ШОЙИМОВ, О`zLiDeP Самарқанд шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Айни пайтда Самарқанд шаҳрида мавжуд 119 та бошланғич ташкилотимизда 3130 нафардан ортиқ аъзоимиз бор. Келгуси йилда асосий ишларимиздан бири сифатида фаолларимиз сонини 4000 дан ошириш, БПТларимизни эса 150 тага етказишни мўлжалляямиз.

Жамоатчилик орасида депутатлик гуруҳи нуфузини юксалтириш учун халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашининг навбатдаги сессияларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўта муҳим бўлган масалалардан иккитасини олиб чиқамиз. Қолаверса, электротар билан ишлашда услублардан фойдаланамиз. Жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда БПТ ҳамда депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда фаолиятимизни янада кучайтириб, ваколат доирасидаги имкониятлардан самарали фойдаланамиз.

Тадбиркорлик субъектларида сафдошларимизнинг кўпайишига ҳаракат қиламиз. Бу, ўз навбатида, ишбилармонларимиз учун ҳам фойдадан холи бўлмайди. Негаки, кенг қамровли тадбирларимиз ва лойиҳаларимизда белгиланган мавзулар тадбиркорларнинг қабул қилинган ёки лойиҳаси тайёрланаётган қонунларимиз билан яқиндан танишишлари нафи катта. Бугунги кунда биригина Самарқанд шаҳрида 4,5 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳали бу борада юшларимиз кўплиги янада оидинлашади.

Президентимиз Бош қомусимизнинг 23 йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, сўнгги йилларда қабул қилинган айрим қонунлар ва Президент фармонлари таркибий ўзгаришлар, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, бу борада қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш учун кенг йўл очиб берадиган қонунчилик базасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжатлар хусусий мулкни эркин ривожлантириш, хусусий тадбиркорларни уларнинг ҳўжалик фаолиятига давлат, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органларининг асосиз аралашуvidан ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди. Қонунлар ва Президент фармонларида белгилаб берилган қондалар тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини эркинлаштириш жараёнининг давоми бўлди.

Шу борада «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни алоҳида аҳамиятга эгадир. Ана шу қонунга мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча жиҳатларига тааллуқли 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан бири ҳам тадбиркорларга яқиндан кўмақдош бўлган ҳолда уларнинг манфаатлари ҳимояси, ҳуқуқий билимларини ошириш борасида тинмай меҳнат қилишдир.





# ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

# РАҲМАТ, 2015! АССАЛОМ, 2016!

**Жаҳон халқлари Янги йилни ўзига хос анъана ва шоду хуррамлик билан қаршилайди. Шу боис ҳам ушбу байрам асрлар давомида яшаб келаётган урф-одатларга бойдир. Бу кунни ҳар бир давлатда ҳар хил кутиб олишади. Келинг, яхшиси эътиборингизга ажабтовур ҳайратларга тўла «янги йиллар»ни ҳавола этамиз.**

## ҚОРБОБО НИМАДА КЕЛАДИ?



Англияда қадимий анъаналарга кўра соат 24.00 га бонг ура бошлагач, эски йил «чиқиб» кетиши учун уйларнинг чикиш эшиклари очиб қўйилади. Охириги бонгдан сўнг эса Янги йил «кириб» келиши учун кириш эшикларини ланг очилади.

Инглизлар Янги йилда таширф буюрган биринчи меҳмон хонадон аъзоларига омад келтиришига ишоншади. Меҳмондорчиликка нон, пирог, туз ва бир бўлак кўмир олиб борилади. Чунки нон ва пирог мўл-қўллик, кўмир иссиқлик, туз эса бойлик рамзи ҳисобланади.

Италияда Янги йилгача барча қарзлардан қутулиб, синиқ идиш, эски кийим ва

мебеллар кўчага улоқтирилади. Болалар сеҳргар Бефанани интиқлик билан кутишади. Зеро, Бефана кечкурун келиб, атайлаб илбиб қўйилган болалар бошмоқларини совға-саломга тўлдириб кетаркан. Аммо тўполончилар бундан умид қилмасалар ҳам бўлади. Чунки Бефана «қулқосиз болаларга» кўмир бўлагини «атайди». Янги йил кирган оқшомнинг эртасига кўчада кекса ёки букри одамни учратиш, бундан ташқари, эрта тонгда, яъни кўёш чикқунга қадар уйга булоқдан сув олиб келиш италянлар одатига кўра хайрлидир.

Мамлакатнинг айрим ҳудудларида Янги йил кириб келишидан олдин бой-бадавлат бўлиш ниятида 12 донна узум истеъмол қилинади. Фарзанд кўриш орзусидаги эр-хотинлар биргалликда анор ейишади, турмушлари фаровон бўлишини хоҳлаганлар эса 1 январь кунни чўнтакларини тўлдириб кўчага чиқишади.

Вьетнамда Янги йил Тет деб номланади. Мамлакат шимолдаги хонадонларда байрам арафасида гуллаётган шафтоли шохчаси ўрнатилади ёки кичкина мандарин дарахти ясаилади. Кўчалар эса новда ва гулдасталар билан безатилади. Жанубдаги уйларда беш донна ўрик гулли шохчалар «арча» вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, уй меҳробига тарвуз қўйилади. Унинг қип-қизил ширин бўлақлари омад рамзидир.

Тет оилавий байрам бўлиб, фарзанд ва набиралар бобо, буви ва ота-оналарини табриқлашади. Катталар ҳам оиланинг кичик аъзоларини қўлаб, уларга қизил халтачаларда пул беришади. Зоғорабаллик сотиб олиб, янги йилдан кутаётган ниятларини айтиб, ариқ ёки ҳовузларга қўйиб юбориш анъанаси ҳам бор.

Японлар Янги йилга ўтар кечаси ҳамма идишлардаги сувни тўкиб ташлаб, булоқдан янги сув олиб келишади. Эски йил туғаб, кўнгириқлар бонг урғач, катта-ю кичик булоқ сувини очиб, эски йилдаги гуноҳларини ювишади.

Германияда Санта Клаус эшақда кириб келади, деб ҳисобланади. Болакайлар ухлашдан олдин стол устига совға қўйиш учун тарелка, пайпоқлар ичига эса Қорбобонинг эшағи учун сомон солиб қўйишади.

Судан аҳолиси янги йил кечаси бахт рамзи сифатида бир-бирларига кўк ёнғоқ улашади. Ҳар бир кунимиз тўқин-сочин бўлсин, деган ниятда кўчаларга ҳам ёнғоқ сочадилар.

Ана шунақа гаплар. Янги йил қайси давлатда қай тарзда кутиб олинмасин, у эзгу тилақлар, яхшилиқлар байрами бўлиб қолаверди.

Нигора НИШОНБОВА, «XXI asr».

## ЛИФТДАН — ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

**Янги йил арафасида шу янгиликни эшитдик ва сизга илиндик, азиз муштарийлар**

Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr»

Кўп қаватли биноларда одамлар огирини енгил қилувчи лифтлар электр қуваати билан ишлашини ҳамма билади. Лекин ушбу «истеъмолчид»нинг ўзидан айнан электр энергияси олиш мумкинлигини энди эшитиб турибмиз. Гап шундаки, Тайлоқ иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежининг биринчи босқич талабаси Жамшид Шамсиев шуни амалда исботлаб берди.

У «Юрт келажиги» иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг вилоят босқичида «Ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар» йўналишига «Лифт ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқариш» лойиҳасини тақдим этиб, голибликни қўлга киритди.

— Бунинг учун лифтларга динамика ва уловчи симлар ўрнатилса кифоя, — дейди ёш иختирочи. — Лойиҳага сарфланадиган маблағ эса бор-йўғи 200 минг сўм бўлиб, ишга тушгандан сўнг кўп ўтмай фойда бера бошлайди. Бундай лифт 5 та хонадонни электр энергияси билан тўла таъминлай олади. Экологик тоза ва самаралидир.

Изланувчан талаба айни пайтда яна бир янгилик — «Ижтимоий ҳамкорлик ва ҳамдўстлик» деб номланган истироҳат боғини яратишга киришган. Ёш кашфиётчининг таъкидлашича, дунё олимлари тўпланиб, ўзаро фикр алмашадиган ва хордиқ чиқарадиган бундай маскан тараққиётга хизмат қилиши шубҳасиз.

## «Аёллар қаноти» ҳаммиша парвозга шай

**«XXI аср» мухбирининг O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари Хуршидахон Халилова билан Янги йил арафасидаги мулоқоти**



— Аввало, газетамиз жамоаси, кўп сонли муштарийлари номидан байрам билан самимий муборакбод этаман.

— Раҳмат! Эшик қоқиб турган қутлуг айём боримизни ошириб, йўғимизни яшириб ёритаётган «XXI аср»чиларга ҳам омадди келсин.

— Козонда бўлсагина чўмигча чиқарилади-да. Ютқуларингиз бор эканки, мактаб-яппиз.

— Нокамтарлик бўлса ҳам айтий: якунланаётган йил муҳим воқеаларга бой бўлганидан унинг қандай ўтганини сезмай қолдик. Масалан, 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб номлангани оммавий-сиёсий тадбирларимизга фойз-шухуҳ бағишлади. «Қариси бор уйнинг — париси бор» мавзусидаги давра суҳбатлари, очик мулоқотлари нуруний отахон ва онахонларимиз ўғитлари билан бошланиб, дуолари билан якунлангани бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшди.

— Одатда партиялар фаолиятининг асосий қисми бевосита сиёсий жараёнларга болгандади. Бугун дунёда шундай. O`zLiDeP эса амалий ишлари билан ҳам жамият эътиборини қозонишга ҳаракат қилаётипти.

— Чунки партияимизнинг Устави, дастурий йўналишларининг асосий қисмини иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор ислохотларини чўқурлаштириш соҳа-

сидаги вазифалар ташкил этади. Ўтган 10 йилдан зиёд вақт мобайнида муайян муваффақиятларга эришилди. Айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг нечоғли нуфузга эга эканлигини ўзингиз жуда яхши биласиз. Шунинг баробарида партияимизнинг қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизimini янада либераллаштириш, жамиятни интеллектуал ривожлантириш йўналишларидаги саясий-ҳаракатлари ҳам бевосита кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Ушбу кўпмаддор вазифаларни амалга оширишга андижонлик либерал-демократ аёллар нечоғли ҳисса қўшмоқдалар?

— O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши «Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги роли ва мавқеини ошириш бўлими 2015 йилда аниқ режа ҳамда ноанъанавий лойиҳалар асосида 200 га яқин амалий тадбир, кўпмаддор давра суҳбатлари, семинар-тренинглари, аҳоли турли қатламлари билан юзма-юз мулоқотлар ўтказди. Айнисига, «Оилавий тадбиркорликдан — муштажкам оилага» номли лойиҳада дугоналаримиз фаол иштирок этдилар.

Мақур лойиҳанинг вилоят босқичи «Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда O`zLiDePнинг роли» мавзусидаги амалий семинар билан уйғунлаштирилган тарзда ўтказилиб, 51 нафар коллеж битирувчиси ва тадбиркорлик фаолиятини ихтиёр этган хотин-қизлар имтиёзли кредит олиш учун банк «Сертификат»лари топширилди. 745,800,000 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилиб, 135 та янги иш ўрни яратилди. Хотин-қизларда ишбилармонлик ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни хунармандчилик, касаначилик фаолиятга кенг жалб этиш орқали оилавий бизнесни ривожлантиришга эришиш доимий диққат эътиборимизда.

— Якунланаётган йилдаги энг муҳим воқеалардан бири — Президент Ислом Каримовнинг «Она юртимиз бахту ик-

боли ва буюк келажиги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» китобининг чоп этилгани бўлди.

— Тилимнинг учиди турган гапни айтдингиз. Ушбу китобни ўқиб-ўрганиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири бўлди. «Йигирма тўрт йиллик муштақил тараққиёт йўли — Ўзбекистоннинг ривожланиш йўли» мавзусида ўтказилган давра суҳбатлари ва семинарларда нафақат партия аъзолари, балки кенг аҳоли қатламлари вакиллари ҳам фаол иштирок этдилар.

Энг аҳамиятлиси, ушбу тадбирлардан сўнг кўпмаддор хотин-қизлар ўзларининг хусусий бизнесларини йўлга қўйиш учун астойдил ҳаракат қилдилар.

— Масалан.

— Мисоллар кўп. Айтилик, биргина коллеж битирувчиларидан С.Халимова, Х.Эгамбердиева, Д.Ҳамидова, С.Жалолова, С.Исоқова, И.Қўлдашева, Г.Турсуналиева каби ўнлаб ёшлар хусусий иш бошладилар. Бир қисми «Мадина-97» МЧЖ, «Алп Равшан орзуси» фермер хўжалиги, «Хурнисо» хусусий фирмаси каби хусусий корхоналарга ишга кирдилар. Тумандаги «Тиббиёт қалдирғочлари» хусусий корхонаси ҳомиёлигида ўтказилган «Ишбилармон ўқувчи» лойиҳаси ҳам кўпмаддор ишбилармон истеъдод эгаларини кашф этишимизда ёрдам берди.

«Бетақоримсан, яғонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида усмир қизлар ўртасида Бўз туманида бадий гимнастика, Балиқчи туманининг «Гулистон» ҚФЙда аёллар ўртасида волейбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказдик. Уларда 18 ёшдан 70 ёшгача бўлган хотин-қизлар иштирок этганини кўрсангиз эди.

Шаҳрихон туманидаги Қалъачи, Бўз туманидаги Гулистон, Асака туманидаги Меҳнатобод ва Чўнтақ, Марҳамат туманидаги Полвонтош ва Қончилар, Улуғнор туманидаги Чўлобод маҳаллалари, Андижон шаҳридаги 2-сон маиший-хизмат кўрсатиш коллежи, «Шарқ» тантаналар

саройида ўтказилган «Қудратимиз — бирлик ва ҳамжихатликда», «Саломатлик — туман бойлик», «Қаътий ҳаётий қарашлар ва ўз позициясига эга бўлган инсонни тўғри йўлдан қайтариб бўлмас», «Соғлом ва муштажкам оила — жамият бойлиги ва келажак пойдевори» мавзуларида тадбирларда аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ролини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом миллат генафондини асрашга кўмаклашиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданияти, онги, сиёсий фаоллиги ҳамда масъулиятини янада юксалтириш чора-тадбирлари бағишланди.

Андижон шаҳар «Бахт уйи»да ўтказилган «Муштақиллик туфайли мулкдор бўлдим» мавзусидаги байрам тадбири доирасида катта ҳаётга қадам қўяётган келин-куёвларга тантанали равишда никоҳ гувоҳномалари, турли совғалар топширилди. 20 нафар тадбиркор, фермер аёлларга «Фархрий ёриқ» ҳамда эсдалик совғалари, партияга янги аъзо бўлган 30 нафар хотин-қизга гувоҳномалар тақдим этилди.

Бу билан бўлишимиз фаолиятда муаммолар умуман йўқ эканда, деган фикрга келманг. Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Булмаси уни аёлларнинг ўзлари ўйлаб топадилар!

— Муаммолар ҳақида байрамдан кейин алоҳида суҳбат курсак, нима дейсиз?

— Бош устига. Лекин битта илтимосим бор. Семимли газетамиз орқали партиядош дугоналаримизни табриқласам дегандим.

— Марҳамат!

— Кириб келаётган Янги йил барчангизга қутлуг бўлсин! Тинч ва осойишта тараққиёт йўлидан дадил оқимлаётган юртимизга асло кўз тегмасин! O`zLiDePнинг «Аёллар қаноти» ҳаммиша парвозга шайлигини жумлаи жаҳон кўрсин.

«XXI asr» мухбири Эльмира Раҳмонова суҳбатлашди.

## МАЙДОН КЕНГ, МАРРА БАЛАНД

**Мамлакатимизда амалга оширилатган оламшумул ислохотлар мазмун-мундарижасини тушуниб етиш, шундай эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилиш бугунги авлод зиммасидаги масъулиятли бурчдир. Буни яхши англаб етган ёшларимиз замон билан ҳамнафас қадам ташлаб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётдилар. Улар орасида O`zLiDeP фаоллари ҳам кўпчиликти ташкил этади.**

**Азизбек ДАМИНОВ, Избоскан туманидаги «Жонобод чорваси» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари:**

— Фермер хўжалигимиз асосан наслик қора молларни етиштиришга ихтисослашган. 2012 йилда республикада биринчилардан бўлиб Польшадан 50 бош қорамол олиб келган эдик. Бугун уларнинг ҳар бири кунига ўртача 28 литрдан сут бераёпти. Банкдан кредит олиб, сутни қайта ишлашни йўлга қўйдик. Айни пайтда хўжалигимизда 22 нафар коллеж битирувчиси меҳнат қилляпти.

2015 йил ҳаётимизда эсда қоларли воқеаларга бой бўлди. Жумладан, O`zLiDeP ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ўтказилган «Ёш фермер» кўрик-танловидида олий ўринни қўлга киритдим. Президентимиз тақлифи билан 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилингани мамнуният билан кутиб олдим. Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш, аҳолига сифатли, тўйимли, тоза ва арзон

маҳсулотлар етказиб бериш, дастурхон тўқин-сочинлигини таъминлаш, кишлоқларни бундан-да обод ва кўркам бўлишига ўз ҳиссамни қўшаман.

**Юсуфжон ЮСУФЖОН, Олтиариқ туманидаги «Сехриёбону» оилавий корхонаси раҳбари:**

— Барчамизга маълумки, бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улусида ўттури келмоқда. Бунда ёшларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Мен ҳам улар қаторида эканлигимдан, O`zLiDeP аъзоси сифатида Ватанимиз тараққиёти учун оз бўлса-да ҳисса қўшаётганим билан фахрланаман.

2015 йил жуда омадли бўлди. Банк кредитлари асосида иккита савдо шохобчаси ва тикувчилик цехи ишга туширилди. Оила аъзоларимиз, 12 нафардан зиёд йигит-қизлар бандлиги таъминланди. 2016 йилда маҳсулотларимизни чет элга сотиш ниятидамиз. Давлатимиз раҳбарининг «Юртимизда тайёрланган матолардан кийиниш



нафақат гўзаллик, балки миллий гуруҳ учун ҳам асос бўлиши керак», — деган сўзлари жамоамизнинг асосий шиорига айланган.

**Жўрабек ФАРМОНОВ, Нишон туманидаги «Зиёдулла Фармонов» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Фермер бой бўлса, унинг хўжалиги ривожланса, эл-юрт ҳам обод бўлиши, одамларнинг турмуш фаровонлиги ортиши ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Мен ҳам отамдан ўрганганларимни амалиётда муштақил қўллаш мақсадида 2010 йилдан буён фермерлик қилиб келяман. Асосан гапла ва пахта етиштиришимиз. Жорий йил гаплардан 250 тоннага яқин, пахтадан 290 тонна ҳосил олдик. Хирмонимиз йилдан-йилга юксалиб қилиб келяман. Асосан гапла ва пахта етиштиришимиз. Жорий йил гаплардан 250 тоннага яқин, пахтадан 290 тонна ҳосил олдик. Хирмонимиз йилдан-йилга юксалиб қилиб келяман. Асосан гапла ва пахта етиштиришимиз. Жорий йил гаплардан 250 тоннага яқин, пахтадан 290 тонна ҳосил олдик. Хирмонимиз йилдан-йилга юксалиб қилиб келяман.

**Дурдона ҒОФУРОВА, оилавий тадбиркор:**

— Биз оиламиз аъзолари билан биргаликда Улуғнор канали қирғоғида интенсив усулда балик етиштиришни йўлга қўйганмиз. 3 та маҳсул ховузимиз бор. Улар атрофи баликлар учун қўлай микроклимат ҳосил қилиш мақсадида

кўл келмоқда. Магистрлик ишим ҳам айни шу тизимни самарали йўлга қўйишга бағишланган эди. Бугун ишланмаларимни ўз хўжалигимда синовдан ўтказаялман. Давлатимиз раҳбари Бош қомусимизнинг 23 йиллиги тантаналарида аҳоли даромадлари сўнгги йилда 9 баробарга ошганини алоҳида таъкидладим. Бу бир пайтлар оилага 100 сўм кирган бўлса, бугун 1000 сўм қиялган, дегандир. Яқунланган мавсум бизнинг хўжалигимиз учун баракали бўлди. Мақсадим — олган даромадларимиз ҳисобидан тўйхона, сарта-рошхона қуриш.

чим билан қопланган. Эрта баҳорда уларнинг ҳар бирига 15 килодан чавақ ташланди. Битта ҳовузда ўртача 650-700 донна балиқ парвариланади. Айни пайтда вилоятимизда балиқни қайта ишловчи корхоналар йўқ. Шу боис етиштирилган балиқларимиз фақат куз даврига келиб сотувга чиқариломоқда. Мен келажакда балиқни дудлаш, консервалаш, қоқлашни йўлга қўймоқчиман. Шунингдек, табибатда кенг фойдаланиладиган балиқ мойини ишлаб чиқариш ниятим ҳам бор.

## Ишбилармон хотин-қизларга эҳтиром

**Фарғонада ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаоллик кўрсатётган бир гуруҳ тадбиркор ҳамда фермер опа-сингилларимиз учун байрам тадбири ташкил қилинди.**

— Бугунги ислохотлар жараёни ҳар биримиздан юксак масъулият талаб этмоқда, — дея таъкидлади ўз сўзида «Тадбиркор аёл» ассоциацияси вилоят бўлими раҳбари Дилоромхон Меҳмоново. — Янги йил айёми ёрғуз юз билан нишонланаётганидан мамнунимиз. Гапла ва пахта етиштириш, шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришилди. Бу борада фермер ва тадбиркор аёлларимизнинг алоҳида ўрни бор. Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик уларни янги-янги марралар сари руҳлантиряпти. Опа-сингилларимиз яратилаётган қўлайликлардан фойдаланиб, аҳоли, айнисига, ёшлар бандлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

— Барча жойда бўлганидек, Фарғонада ҳам фермер хўжалиқларини мақбуллаштириш жараёни изчиллик билан давом эттирилмоқда, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутати Гуруҳи аъзоси, «Нури обод» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ҳодими Лолаҳон Муродова. — Биргина бизнинг хўжалигимиз неғизда 7 та янги фермер хўжалиги ташкил этилди, — деди у жумладан. — Бу камда 400 та қўшимча иш ўрни яратилди, дегандир. Уларга асосан аёллар, коллеж битирувчиларини қабул қилиш ниятидамиз. Хуллас, байрам тадбири ҳар жиҳатдан фойдали бўлди. Бундай мароқли учрашув ва самимий мулоқотлар фақат тинчлик ҳукми сураётган, аёллари эъзозланаётган жаннатмақом юртгагина ярашади. Тадбирда бир гуруҳ фаол тадбиркор ва фермер хотин-қизларга ташкилотчиларнинг турли даражадаги дипломлари, эсдалик совғалари топширилди. Иштироқчилар бир пиёла чой устида Соғлом она ва бола йилда қилинажак ишлар хусусида фикрлашиб олдилар.

Ўз мухбиримиз.

**ЯНГИ ЙИЛНИНГ СИНИГЛИгини МУБОРАК БЎЛСИН!**



# РАҲМАТ, 2015! АССАЛОМ, 2016!

## «Индекс»да ҳам илгаримиз

Сўнги соатлари ўтиб бораётган 2015 йил мен учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. ЎзМУнинг дипломини олар чоғида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзолигига қабул қилиндим. Ёшларга оид давлат сиёсати янада қизиқиб ўрганишга киришдим.

О'zLiDePнинг Тошкент шаҳар кенгашида ишлаб бошлаганим эса назарий билимларини амалиётда қўллаш учун катта шароит яратди. Устозлардан ўрганган ўқитилган ҳаётида қўллаб, сиёсий майдонда партияимиз обрўсини мустаҳкамлаш, халқимизга хизмат қилиш имкониятига эга бўлдим.

Конституцияимизнинг 23 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузани ўзгача бир ҳаяжон билан тингладим. Айниқса, АҚШда фаолият кўрсатаётган, Гэлпал институтини деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан ўтказилган «Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси» мавзусида 2015 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистонимиз дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллаганини эшитиб, тинч-осойишта, тобора юксалаётган юрт фарзанди эканлигимдан қалбим гурур ва ифтиخорга тўлди.

Келаётган йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши замирида ҳам эртага юрт қорига ярайдиган, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни волега етказишдан эзгу гуя муҳассасидир.

Жасурабек ҚОДИРОВ,  
О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши етакчи консултанти.



**У кишини нафақат Фарғонада, балки республикада қўлчилик танийди. Бойси унинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ислохотлар ҳақида хикоя қилувчи хабарлари ҳозиргина тандирдан узилган қўлчилик га-зетчоларга етиб борапти.**

**Сизни асл касби ўқитувчи бўлган, чорак асрга яқин Марғилон шаҳар ҳокимлигида турли вақфларда ишлаган ҳожи отани қўлга қалам олишга нима ўндаяпти, деган савол қизиктириши табиий.**

— Менинг илҳом манбаим — МУСТАҚИЛЛИК, — дейди у. — Муҳтарам Юртбошимиз бошчилигида 24 йилда қўлга киритилган улкан ютуқлар, амал-

## Яхшиликларни ёзганим сари ёшариб кетяпман

— дейди 79 ёшли О'zLiDeP аъзоси, марғилонлик жамоатчи мухбиримиз Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

га оширилган ва оширилаётган ислохотлар, инсон омилига қаратилган юксак эътибор, «ўзбек модели»нинг жаҳонга танилгани, юртимизда ҳукм сураётган барқарорлик, осудалиқ, тинчлик. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, бизнинг вилоятда ҳам шаҳарларимизни комплекс қайта қуриш бўйича қабул қилинган дастурларнинг амалий ижроси. Яна нималарни айтиш. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизнинг иқтисодиёти 5 қаррадан зиёдга ўсди. Аҳоли даромади қарийб 9 баробар ошди. Одамларнинг ўртача ёши 67 дан 73,5 ёшга, аёлларники эса салкам 76 ёшга ўзайди. Эҳ-ҳе, бундай ютуқларни санаб, адоғига етиш қийин. Шундай экан, ижод қилмай бўладими, ахир?!

— Озод ва обод Ватанда яшаб кексалик гаштини суриш, истиқлолимизга шукрона келтириш, вилоятимиздаги янгиликларни ёритиб боришни фуқаролик бурчим, деб биламан. Хабарларим шаҳар, вилоят ва республика газеталарида чоп этилаётганидан мамнунман.

— Умрингиз узок бўлсин, Мана жўри йил ҳам поёнига етсанти...

### Килинганда нималар хаёлин-гиздан ўтди.

— Бош қомусимизнинг 23 йиллик байрамига бағишлаб ўтказилган анжуманин телевизор орқали кўраб эканман, давлатимиз раҳбари ушбу тақдирни билдирганидек, кўзимдан тиркираб ёш чиқиб кетди. Бу — қувонч ёшлари, албатта. Юртбошимиз айтганларидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт! Бунинг учун аввало туғилажак гўдак ҳар томонлама соғлом, дуркун бўлмоғи керак. Соғлом бола эса соғлом онадан туғилади. Юқорида таъкидлаганимдек, ҳар бир йилга алоҳида-алоҳида ном берилиши замирида инсон омил муҳасасам. Шунини ишонч билан айта оламани, янги йилда тиббиёт соҳасида янада улкан ислохотлар амалга оширилади. Янги шифо масканлари, хусусий клиникалар ташкил этилади. Ана шундай қувончли янгиликларни ёритиш бахтидан бенаибсиз этмасин!

— Янги йилда сиздан зўр-зўр янгиликлар, хабарларни кутамиз. Ижодингизга барака!

— Раҳмат.

А.МУСУРМОНОВ  
суҳбатлашди.

## ҚОРҚИЗ СОҒФАЛАРНИ ... КИЙИМИДА ТАРҚАТАДИ

ёхуд Янги йил фақат 31 декабрда нишонланадими?

Сарпавҳани ўқиб ҳайрон бўлмаган. Гарчи милодий тақвим бўйича 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси дунё бўйича энг оммивай байрам ҳисобланса-да, цивилизация белгилари ҳисобланмиш тақвимлар яратилганга қадар йил алмашишуви билан боғлиқ тантаналар турли мамлакатларда турлича нишонлаб келинган.

Масалан, Майя қабилаларининг календарь ҳисоби бўйича Янги йил байрами 16 июль кунига тўғри келган. Яъни, янги йил ой тақвимига қараб белгиланган ва қабила сардорлари бошчилигида ўз оdatларига хос тарзда ўтказилган. Худодар рами туширилган кичик ҳайкалчаларни олов атрофида ўрнатилган устунга териб чиққанлар. Йиллар ўтиб, бу қуриш арча ўйинчоқларига қўчган. Ой тақвими қуёш тақвимида 10-11 кунга фарқ қилгани сабабли Янги йил ҳам бизнинг ҳайит байрамларимиз каби турли саналарда нишонланган.

Янги йилни Ой тақвимига кўра кутиб олиш дастлаб Хитой, Малайзия, Вьетнам, Сингапур, Корея, Мўғулистон ва бошқа будда динига итоат этувчи Шарқий Осиё давлатларида урф бўлган. Мусулмонларнинг қамарий ҳисоб бўйича янги йили — Ҳижра ҳам ҳар йили турли саналарга тўғри келади. Шу боис йил аввали Покстон, Афғонистон ва Эронда ўзгача нишонланади.

Турли мамлакатлар халқлари диний эътиқодлари ва тақвимларидан келиб чиқиб, Янги йилни турли саналарда ва ўзига хос равишда нишонлаши ҳозир ҳам сақланиб қолган. Жумладан, Ҳиндистонда Янги йил саккиз марта ўтказилиши ҳамма ҳам биллавермас керак. Уларнинг ҳар бири турлича номланади. Гуди Падва кунда ним-нима деб аталувчи дарахтнинг жуда аччиқ ва ёқимсиз барглари татиб қўрилади. Уларнинг иримига кўра, бу инсонни турли дард ва баълолардан асрайди.

Шри-Ланка ва Непалда эса Янги йил апрель ойининг 13-санасида байрам қилинади. Жазирмадан силласи қуриган Лаос халқи учун 14 апрель — ёмғир мавсуми бошланган Янги кун сифатида катта байрам ҳисоблана, Бирмада тропик ёгинлардан сўнг — апрель ойининг 12-17-саналари оралигида кутиб олинади. Тантаналарининг аниқ кунга эса маданият вазири томонидан белгиланади ва уч кун байрам қилинади. Таиланд ҳукмати 1940 йилдан Янги йилни 1 январда ўтказиш ҳақида қарор чиқарганига қарамай, бош байрам — апрель ойининг иккинчи ўн кунлигига ҳам нишонланади. Улар бу кунни Сонгаркан деб атайдилар. Эфиопия (Ҳабаштистон)га янги йил 11 сентябрда таширф бў-юрса, Гамбия ва Индонезияда октябрь ойида байрам қилинади.

Яман давлати, Океания ва Гавай оролларида Янги йил асосан ноябрь ойининг турли саналарида кутиб олинади.

Австралияликлар Янги йилни оdatлағидек 1 январь кунини нишонла-салар-да, аммо бу пайтда уларда аниқ юз берар экан. Қорбобо ва Қорқиз соғфаларни чўмилиш кийимида тарқатишди. Эскимослар эса календарга қараб ўтирмайдилар. Улар учун биринчи қор ёққан кун Янги йилнинг бошланishi ҳисобланади. Қадимги Мисрда Янги йил ёз фаслида, Нил дарёси тошган вақтда, Олимпияда ўйнайлар ватани ҳисоб-ланмиш қадимги Юнонистонда 22 июль кунини нишонланган экан. Бу санани улар йилнинг энг узун кунини бўлганлиги учун янги йил аввали, деб қабул қилишган бўлса ажаб эмас...

Севара АЗИМОВА тайёрлади.



## «Омадли, барокатли келсин»

Одатда йил алмашаётган пайтларда диний ўзгача ҳис-туйғулар, ўй-кечинмалар, орзу-умидлар чулғаб олади. Ана шундай кезларда 365 кунлик манзараларга назар ташлаб, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш фойдадан холи бўлмайди. Шу маънода, 2015 йил ҳаётида чуқур из қолдирди. Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши депутати сифатида фаолият бошладим.

Электорат манфаатларини ҳимоя этишга озми-кўпни ҳисса қўшганимдан хурсандман. Фермер ҳўжалигимиз ишлари янада ривож топди. 610 тонна ўрнига 750 тонна галла етиштириб, режани ортиги билан утдиладики. 445 тонна ўрнига 550 тонна пахта хирмони уйдик. Ҳар иккала ҳосилдан 600 млн. сўм соф фойда олдик. Бундай муваффақият нафақат менинг, балки ҳўжалигимизда фаолият юритаётган 180 нафар ишчи-ҳизматчининг ҳам муваффақиятидир. Ҳўжалигимиз кўп тармоқли бўлиб, пиллаччилик ва чорвачилик ҳам йўлга қўйилган. Айна пайтда 80 бош қорамолимиз бор. Ерларимизни шудгорлаб, келгуси мавсумга шай ҳолатга келтириб қўйдик.

2016 йил барчамизга омадли, барокатли келсин.

Лола МУРАТОВА,  
халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси. «Нурли обод» фермер ҳўжалиги раҳбари.

## Авокадо ҳам дастурхон безагимиз?

Янги йил эшик қоқмоқда. Ўзгача завқ бағишлайдиган бу байрамга барча бирдай хуш кайфиятда тайёргарлик кўрган. Бозор, дўконлар янада гавжумлашиб, расталар дастурхонни безайдиган ноз-неъматлар билан тўла. Улар орасида курали заминнинг дярли барча гўшаларида пишиб етилган «меҳмон» мевалар ҳам талайгина.

Масалан, манго Ҳиндистон ва Покстоннинг миллий тим-солларидан бирига айланган. Уни, шунингдек, ҳинд мангифе-раси, деб ҳам аташади.

Асли хитойлик бўлган ман-дарин аллақачон бизникига ай-ланган. У йил бўйи яшиллигини йўқотмайдиган дарахтда пишиб етилади. Шарбати шифобахш ичимлик ҳисобланади. Айниқса, болалар ва беморлар учун жуда фойдали. Иситмани пасайтира-ди.

Қиш фаслида организмнинг витаминларга эҳтиёжи ортисини ҳаммамиз яхши биламиз. Бундай пайтда мандариннинг ўрни беҳисс. Ушбу мевани орга-низмда моддалар алмашишуви яхшилайдиган, ундан олинган эфир мойи эса киши кайфиятини кўтариш хусусиятига эга.

Археологик маълумотларга қараганда, авокадо миллоддан аввалги учинчи минг йилликдан бўён етиштирилиб келинади. Ацтек ҳиндулари уни «ауакат-ль», яъни «ўрмон ёғи» деб ҳам аташади. Унинг ватани Жанубий Америка.

Куринишдан нокка ўхшаб



кетайдиган меванинг узунлиги 20 сантиметргача, оғирлиги эса 1,5 килограмга етиши мумкин. Ранги оч яшилдан тўқ яшилгача. Ин-глизлар «аллигатор ноки» деб атайдиган бу мевани ҳам дастур-хонни безармикан?

Грейпфрут биринчи мар-та 1650 йилларда Барбадосда топилган. Ҳозирда ушбу мевани «Барбадоснинг етти муъжизаси-дан бири» ҳисобланади. Ава-лига фақат декоратив ўсимлик бўлган грейпфрут бугун дастур-хонларга «қўчи» ўтган.

Ўрта асрларда Европада апельсин жуда қиммат турган. Уни фақат зодатонлар дастур-

хонидагина кўриш мумкин эди. XVII асрда Европа ва Ҳиндистон орасида савдо йўллари очилгач, кўҳна қитъа бозорларига кўплаб кетирилга бошланган.

«Апельсин» сўзи немисчада «хитой олмаси» деган маъно-ни билдиради. Нега энди хитой олмаси? Чунки унинг ватани Хитой-да! Қачонлардир мандарин билан чатиштириш натижасида ҳосил бўлгани ҳақида ҳам тах-минлар йўқ эмас.

... Кўпма газета ўқийвер-масдан, байрам дастурхонига қаранг. Соат неча бўлгани ҳам эсдан чиқмасин.

Рисолат МАДИЕВА.

## «Қандай қадам қўйсақ...»

Махсус кийимлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамиз 12 йилдан буйн фаолият олиб бораёпти. «Ўзавтойў», «Ўзтрансгаз», «Водийгазтаъминот» каби кичик ташкилотлар, мактаблар, коллеж ва лицейлар, поликлиникалар билан шартномаларимиз бор.

Якунига етаетган 2015 йил мен учун жуда қувончли келди. Банқдан 60 млн. сўмлик кредит олиб, ишлаб чиқариш ҳажимини кенгайтиришга муваффақ бўлдим. Хитойлик ҳамкорларимиз наҳдлий тери маҳсулотларидан тикилган ишчилар кўюлига катта қизиқиш билдиришди. Айна пайтда ушбу буржотгани бажаришга киришдик.

Юртбошимизнинг Конституцияимизнинг 23 йиллигига бағишланган маросимда сўзлаган нутқини тинглаб эканман, хусусий мулк, кичик бизнес эгалари, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоялашга йўналтирилган қонунийлик базасини янада мустаҳкамлаш борасидаги фикрлари кунинга куч, ғайратимга ғайрат қўшаюндак бўлди. Соғлом она ва бола йилида янги маъсуляти чекланган жамиятга асос солиш мақсадидаман. Ушлаб аёлларни иш билан таъминлаб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига янада кўпроқ ҳисса қўшсам, дейман. Ахир янги йилга қандай ниятлар билан қадам қўйсақ, охиригача шундай ўтиши бежиз айтилмагандир.

Гулсунор ҚОДИРОВА,  
Андижон вилоятидаги «Нажот» хусусий корхонаси раҳбари. О'zLiDeP аъзоси.

## ЭЛАККА ЧИҚҚАННИНГ ЭЛЛИК ОФИЗ ГАПИ

— Мана, бир неча соатлардан сўнг кўнгириклар янги йилга бонг уради. Сиз эса, дугонажон чойдан завқланиб ўтирибсиз. Бу пишир-қуйди, дастурхон тузашни аллақачон тайёрлаб қўйган кўри-насииз. Ха, дарвоқе, байрам дастурхониндан қандай ёғли-қлар жой олади?

— Биз чакқон бўлишимиз даркор. Қайноналаримиз айт-ганларидек, қилган ишларимиз-ни уларнинг кўзлари илгамой қилишлари керак. (Ҳазил, ал-батта). Аслида таом тайёрлаш жону дилим. Айниқса, Янги йил учун қилинадиган махсус да-стурхонни ўзгача завқ билан безайман. Ҳар қандай ёғлиқча меҳр берсангиз, унинг маззаси тақорланмас бўлади.

— Эшитишимча, балиқ билан туҳум маҳсулотларини қўшиб истеъмол қилиш ор-ганизм учун зарар эмиш...

— Ҳа, шунақа. Балиқ тарки-бидига «Омега-3» кислотаси ин-сон соғлиги учун муҳим аҳами-

ятга эга. Туҳум таркибига ҳам айнан шундай микроэлемент-ларнинг борлиги учун ҳар икки маҳсулот бир пайтда истеъмол қилинса, организмнинг қарши-лигига учрамайди. Натияжада та-намизда кичик оқ доғлар пайдо бўлади.

— Нега онажонлари-миз балиқни оқликка қўшиб емаслигимизни доим тақор-лашларини ана энди билиб олдим. Келинг, ўзимизнинг «соҳа»дан ҳам гаплашайлик. Эшитмадингизми, янги йилда нималар урфга кирар экан?

— Ўз касбининг усталари аллақачон 2016 йил учун махсус дизайнларни ишлаб чиққанлар. Улар янги йил мавсумида тўқ кўк, зафарон, тўқ қизил, оч жи-гар ранглар уйғунлигини илгари суришмоқда. Бир сўз билан ай-тганда, XX асрнинг 60-йилла-ридаги бичимлар «қайтади». Бу мавсумда маълум бир турдаги пайфазаллар урф бўлади, деб айтиш мумкин. Жавонга жойлаб қўйган эски туфлингизни тортин-

май кияверинг. Аини кўнларда аксессу-арларга бўлган эътибор ҳам анчайин ортан. Шу боис оёқ кийим, камар, сумка, шарф ва тақинчоқ кабиларга қўрмай пул сарфлашингиз мумкин. Яна бир гап. Бетақор ва жозибаги кўри-ниш учун ҳар ҳафта янги қўйлак харид қилиш шарт эмас. Шунча-ки борини дид билан кийишнинг ўзи ҳам катта маҳорат.

— Кўп нарсалардан хабар-дорсиз дугонажон. Яна бир савол берсам. Шу байрамлар-ни нишонлаш яхши-чо, кей-ин дастурхон ва сочликларда қолган доғлар кўнгилимизни бироз хири қилади-да.

— Шунинг билмайсизми? Бугун дўкон пештахталарида матолардан ёғ ва мой доғлари-ни кетказишга мўлжалланган махсус «сочиқ»лар кўплаб то-пилади. Улар бемалол оғирин-гизни енгил бўлишига хизмат қи-лиши аниқ. Хуллас, доғли буюм остига оқ мато жойлаштиринг ва бир неча қават қилиб букилган



сочиқни доғ устига қўйиб, қаттиқ босиб туриг. Кейин сочиқ олиб ташланиб, доғ остидаги мато тезлик билан алмаштирилади. Ёйилиб кетган доғнинг четлари-ни мато қуригунча яхшилаб ар-тинг тамом, васаллоом.

Агар доғ биринчи уринишда кетмаса, унга яна 2-3 марта ишлов бериш лозим. Ана сизга осон ишининг «қўзи».

Хуллас, гапирсақ гап қўл, сираям тугамайди. Ўзи аслида элакка чиққандим. Бериб туриг.

Суҳбатимизнинг қолгани-ни 2016 йилда давом эттирсак. Келинг, яхшиши муштарийлари-мизни кириб келаётган янги — Соғлом она ва бола йили билан табриклиайлик. 2016 йил юрти-мизга тинчлик ва хотиржамлик, оилаларимизга бахт-саодат, му-стаҳкам соғлиқ олиб келсин. Га-зетамизнинг янги йилдаги илк со-нида яна кўришгунча соғ бўлинг!

Дугоналар «дардини Севара ва Нигора оққа кўчирди.

## ҲАММА ЎҚИШИ ШАРТ ЭМАС...

Ана сизга тараққиёт! Олимпларнинг тадқиқотларига кўра, кўплаб янги гоьлар, оламшумул воқеа-лар, ихтиролар йилнинг декабрь ойида юз берар экан. Масалан, Жанубий афри-калик Кристианд Бернад дунёда биринчи марта юракни кўчириб ўтказиш опе-рациясини 1967 йилнинг 3 декабрида амалга оширган бўлса, шведиялик олимлар шу ойда бир томчи қонни таҳсиш қилиш билан инсоннинг биологик ёши, бўй, вази, бел ўлчамини аниқлаш мумкинлигини исботладилар. Ана сизга XXI аср-даги тараққиёт.

**Илк SMS ҳам декабрда**  
Кундалик ҳаётимизда бир-биримизга йўллаётганимиз — электрон хат би-ринчи марта қачон ва қерда жўнатилаганини биласизми? Биринчи электрон нома, яъни уяли телефон орқали жўнатилаган илк SMS 1992 йилнинг 3 декабрь кунин Англияда Янги йил байрами муносабати билан табрик сифатида йўлланган экан.

**Европани лол қолдирган Уста Олим бармоқлари**

Ўзбек санъатига ўзининг муносаб ҳиссасини қўшган марғилонлик уста Олим Комилов 1935 йили бир гуруҳ ҳамкасблари билан Англия сафари чоғида доирани шу даражада моҳирлик билан чалгани учун элга йилгиланган унинг санъатини узок қарсақлар билан ўринарлардан туриб, бир неча дақиқа олқишлаган эканлар. Сафар якунида эса ҳукумат устанинг «сеҳрли» бармоқларидан гипсда намуна олиб қолиш ва уни Лондон музейида сақлашни буюрган. Мана, 80 йилдики, ва-тандошимиз Уста Олим Комиловнинг Европани лол қолдирган бармоқлари наму-наси Лондон музейининг ноёб экспонати сифатида сақланиб келади.

**Исм қўйиш учун рухсат олиш шарт**

Данияда ота-оналар янги туғилган фарзандлари учун танлаши мумкин бўл-ган 24 мингдан ортки исм мавжуд экан. Ушбу рўйхатга кирмаган бошқа исмларни қўймоқчи бўлганлар маъсум идоралардан рухсат олиши шарт.

Ҳиндистонда бир йилда бутун Австралия аҳолисида кўп чақалоқ дунёга ке-лади.

Андерс Цельсуси температурами ўлчаш шкаласини кашф қилганда ноль да-ража — бу сув қайнайдиган, 100 эса музлайдиган ҳарорат, дея ҳисоблаган. Шве-циялик врач Карл Линней унинг вафотидан кейин шкалани «тескарисига ағда-риши» тақлиф этди ва шундан буйн шу усул амалда қўлланб келинмоқда.

Ёзининг жазирмасида истеъмол қиладиганимиз чанковбости газли ичимли-қлар бундан 200 йил олдин кимёгар Жозеф Пристли томонидан кашф этилган. У бир кунни ачитқи юздаги пуфакларга қараб туриб, унинг газлигини ва айнан шу газ парчаланиши мумкинлигини бочкаларга сув солиб, синаб кўрган. Хуллас, кичкинагига тажриба ихтирога сабаб бўлади.

Зиёдулла МҲМИНОВ тайёрлади.



«XXI ASR» 52 (632)-son, e-mail: xxi\_asr@mail.uz



## ИЗЧИЛ ҲАРАКАТЛАР ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР БЕРАДИ

**О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгашида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш борасида партия ташкилотлари масъул ходимлари, ҳудудий ва маҳаллий кенгашлар депутатлари, партия фаоллари, қуйи бўғинлар етакчилари олдида турган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Партия вилоят ташкилоти раиси О.Соибназаров, вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари, вилоят кенгаши депутати

М.Қобулова, вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Д.Сувонова ва бошқалар Юртбошимиз ташаббуси билан 2016 йилнинг

Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилиниши аёлларимиз, ўсиб-улгайиб келаётган ёш авлод, демакки, келажакимизга эътиборнинг ёрқин ифодаси эканини эътироф этиб, келгуси йилда эътибор қаратилиши зарур асосий йўналишлар ҳусусида фикр юритдилар. Бу борада аниқ ва изчил ҳаракатларгина ижобий натижалар беришини таъкидладилар. Хусусан, жойларда қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни янада мустақкамлаш мақсадида аҳоли турли қатламларини қабул қилинаётган қонуналарнинг мазмун-моҳиятидан мунтазам хабардор этиб бориш ишларини янада тизимли равишда йўлга қўйиш, мулқорлар синфи манфаатлари тўлароқ ақс этган тақлифлар

ишлаб чиқиш, бу жараёнда қуйи бўғинлар масъулиятини ошириш ҳамда мазкур чора-тадбирларнинг аҳамияти, уларни самарали амалга ошириш услубларини баён этдилар. Шу билан бирга тadbир иштирокчилари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустақкам бўлади» деган ҳаётбахш ғояни ҳар бир юрдошимиз онгу шуурига чуқур синдириш учун туркум тadbирларни ташкиллаштириш кераклигини алоҳида қайд этдилар. Дилрабо РАҲМАНОВА, О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Мафқуравий ташвиқот-тарғибот ишлари бўлими мудири.

«БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ. БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ ПАРТИЯНИНГ АҲОЛИ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН БЕВОСИТА АЛОҚАДА ИШ ЮРИТИШИ ВА УЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТИШИ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛГАН ҚУЙИ ТУЗИЛМАСИДИР. БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ТАШАББУСКОР ВА ИШЧАН, ПАРТИЯНИНГ ТАКТИК ВАЗИФАЛАРИГА МУВОФИҚ ИШ ШАҚЛИ ВА УСЛУБАЛАРИНИ ТЕЗ ЎЗГАРТИРИШ ҚОБИЛИЯТИГА ЭГА БЎЛИШИ ВА АҲОЛИНИНГ ДОЛЗАРБ, КУНДАЛИК МУАММОЛАРИНИ ХАТ ЭТИШДА АМАЛИЙ ТАДБИРЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН ШУТУЛЛАНИШИ КЕРАК.»

О'zLiDeP Уставидан.

## Миннатдорлик туйғуси

Партиямиздан сайланган депутатлар бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорликда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида талай хайрли ишларни амалга ошираётгани эътиборга молик.

Чунончи, халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Карим Гулимбетов ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантиришга бағишланган турли тadbирлар ўтказилишига бош-қош бўлмоқда. Эътиборлиси, мазкур мулоқотларга бой ҳаётий тажрибага эга отахон ва онахонлар ҳам тақлиф этилмоқда. Ёшлар доно насиҳатлардан хулоса чиқармоқда. Бундай тadbирлар ёши улуг инсонларга ҳам маъқул бўлмоқда. Улар ўз билимлари кўларга асқотаётганидан мамнун.

Қайд этиш керакки, Н.Гулимбетов маслақдошлари билан байрамларда ҳудуддаги кекса авлод вакиллари кутламоқда. Янги йил айёми арафасида ҳам бундай хайрли ишлар давом эттирилди. Депутат ва БПТлар фаоллари 57-сонли ва «Сарбиноз» МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи нурунийлар хонадонларига бориб, сямимий тилаклар билдирдилар, туҳфалар топширдилар.

Ана шу сингари эгзу ташаббуслар сафдошларимизнинг қарияларга нисбатан миннатдорлик туйғуси билан яшаётганидан далолатдир. О'zLiDeP Қорақалғонiston Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.

## Етакчилар ва депутатлар

О'zLiDeP Поп туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги тadbирда 57 нафар қуйи бўғин етакчиси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи вакиллари, 100 нафардан зиёд тadbиркорликка интилувчан ёшлар иштирок этди.

Мазкур мулоқотда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори шарофати билан жазони ўташ муассасаларидан озод этилган фуқароларни иш билан таъминлашда БПТ етакчилари ва депутатларнинг ҳамкорлиги, қайси масалаларга аҳамият қаратишлари мулоқотда боради фикр юритилди, — дейди партия туман кенгаши раиси Баҳриддин Қирғизбоев.

Шунингдек, тadbир давомида депутатлик гуруҳи раҳбари Ҳомиджон Насуллаев сўз олиб, Президентимиз тақлифи билан Соғлом она ва бола йили деб номланган 2016 йилда қабул қилинажак Дастурда тумanning чекка қишлоқларида яшовчи аёлларнинг соғлиги, турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқ хотин-қизларини тadbиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб этиш бўйича депутатлар фаолигини ошириш каби масалаларга эътибор қаратди.

Депутатлар БПТ етакчилари билан мустақкам алоқада ишлашга келишиб олдилар.

Ахроржон МУСУРМОНОВ.

## АНИҚ САВОЛГА

— Партия ташкилотлари томонидан сиёсий қуч аъзолари ҳамда бошқа фуқаролар учун мўлжалланган турли шаклдаги тadbирлар ўтказилишининг тартиб-таъмили қандай?

— Ўзбекистон Республикаси «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасида қуйидагилар баён қилинган: «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг сиёсий партиялар ички ишларига аралашушлари ёхуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз устасларига мувофиқ амалга оширилмаётган бўлса, улар фаолиятига ў ёки бу тарафда тўсқинлик қилишлари ман этилади.

Сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Сиёсий партиялар ташкилотларининг тadbирлари асосан улар аъзоларининг ишдан ташқари вақтида ва ана шу партиялар маблаг ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий иш бевуқилларнинг ўз ходимларидан улар меҳнат вазифаларини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши ман этилади.»

## АНИҚ ЖАВОБ

## «Партия вакиллари билан ёшлар учрашуви»

Ана шундай номланган туркум тadbирлар доирасида Бухоро муҳандислик-технология институтида жонли мулоқот ташкил этилди.

О'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси Фармон Аминов тўпланганлар ҳузурида сўзга чиқиб, сиёсий майдонга кириб келганидан буён партия жамиятимизнинг фаол катлами бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоялашга алоҳида аҳамият қаратаётганини таъкидлади.

Партия ҳудудий ташкилоти БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Руслан Зағретдинов ҳамда намунали қуйи бўғинлар етакчилари озод ва обод Ватанимиз ёшларини ҳам маънан, ҳам жисман баркамол этиб оярга етказиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самаралари, навқирон авлодга оид қўнунлар ижроси назорат қилинишида партия зиммасидаги масъулиятли вазифалар тўғрисида атрафлича сўз юритдилар.

Шунингдек, мулоқотда на-

вқирон авлод вакиллари мамлакатимизда юксак ривожланган ҳуқуқий-демократик жамият барпо этилиши жараёнларига янада кенгроқ жалб этиш, уларда тadbиркорлик маданияти ва лаёқатини шакллантиришга кўмаклашишда партия, хусусан, қуйи бўғинлар фаолигини кучайтириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Ёшларга партия Дастури ва Устави тўғрисида атрафлича маълумот берилиб, уларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.

Шу ўринда қайд этиш зарурки, вилоятда партияимизнинг 12891 нафар аъзоси бор. Уларнинг 6476 нафари 34 ёшгача бўлган ёшлардир. Жорий йил мобайнида партия сафига кўллаб йилит-қизлар қўшилди. Мазкур ўсиш, айниқса, Ғиждувон, Бухоро, Жондор, Ромитан, Вобкент туманлари ва Бухоро шаҳрида яққол кўзга ташланди. Ўз муҳбиримиз.

Янгибозор туманидаги «Ёғду» хусусий фирмасида тузилган О'zLiDeP бошланғич ташкилоти 12 нафар маслақдошни бирлаштирган. Ушбу қуйи бўғин тумандаги энг фаол партия таянч тузилмаларидан бири ҳисобланади.

## Фаолликка ундаётган сўзлар

— Аъзоларимизнинг кўпчилиги ёшлардан иборат. Бу эса навқирон авлод вакиллари ўртасида партиямиз нуфузи ортиб, уларнинг либерал ғояларга қизиқиши кучайиб бораётганидан далолатдир. — дейди корхона раҳбари, БПТ етакчиси Джабарберган Отажанов. — Яқинда ишчи-хизматчилардан яна 3 йилит-қиз О'zLiDeP сафига ўтиш истагини билдирди. Юзма-юз сўзлашган, уларнинг хоҳиш-интилишлари замирида ягона мақсад, яъни ҳар томонлама юксак тараққий этган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлида олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш муважзам эканига ишонч ҳосил қилдик.

Яқинда мазкур қуйи ташкилот йилгилида Президентимизнинг Асосий қонунимиз қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамаси бўлиб ўтди. Партия туман кенгаши ходимлари ҳамда қуйи бўғинлар раислари, тadbиркорлар, ёшлар қатнашган

мулоқотда хусусий сектор вакиллари олдида турган муаммоларни ҳал қилишда ташаббускорлик кўрсатиш борасида бир қанча тақлифлар билдирилди.

— Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида хусусий мулк, кичик бизнес эгалари, тadbиркорларимизнинг йўлини янада кенгайтириб берадиган қарор ва тadbирларни қўлайтириш ва самарадорлигини ошириш бугунги кундаги энг долзарб вазифаларимиз сирасига киришини алоҳида қайд этди, — дейди йилгили иштирокчиларидан бири, АТ Халқ банки туман бўлимидаги БПТ раиси Нодира Раҳмонова. — Ушбу сўзлар бизни янада фаолроқ бўлишга ундамоқда. Бинобарин, йилгилида электоратимиз вакиллари муносабатлари бўйича иш олиб боришда депутатлар, партия юқори органлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан қарор қабул қилдик.

Шахноза ЯҚУБОВА, О'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши масъул ходими.

# Мутлақо тасодиф ҳазиллар

Маълумки, интиқлик билан қарши олинадиган байрамлар, айниқса, янги йилни қутиб олишда ҳамма бир-бирига самимий тилаклар билдиради. «Самимий» деганда эса одатда кўнгил кечинмалари, яъни дилоаги гапларнинг тилга кўчиши тушунилади. Ана шу анъанага содиқ қолган ҳолда тахририятимиз журналистлари бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган муассис ташкилотнинг турли бўлинмалари раҳбарларига ўз ҳазилларини тайёрлашди. Зеро, уларга совға улашишга молиявий имкониятларимиз тўсқинлик қилгани учун маънавий салоҳиятни ишга солиш баробарида услубий бошлиқларимиз юзида озгина табассум пайдо бўлишига эришиш бош мақсад-муддаомиздир. Аммо, лекин, бироқ... Жорий йилнинг охири кунидagi тилакларимизда сизнинг фаолиятингизга мос эҳтибатлар учраб қолса, буни мутлақо тасодиф сифатида қабул қилгайсиз.

### Парахат НАДИРХАНОВАга

Бош хисобидан бошлаганимиз эриш туолмасин, опа. Чунки сиз бизга доим ёрдам кўрсатиб келасиз. Бу эса О'zLiDeP ғояси ва мафқура тadbирга ташкилотчилик қила туриб, эшик оғаларига шундай топшириқ берибди: олдин одамларни киритинглар, кейин ПРЕССАни! Хуллас, ўша йилгилиш на газеталарда, на радио-телевидениеда ёритилибди.

Сиз бошлиқ бўлишда ўрнатилган тартиб, яъни «биз Сиёсий Кенгаш

етганлар бор, етмаганлар қанча. Қисқаси, табриклиймиз, кутлаймиз. Ишонмансангиз, радионинг овозини кўтаринг.

### Жасур РАХМОНОВга

Утган замонда бир партиянинг бир «жасур»и бўлган экан. У қайси дегир тadbирга ташкилотчилик қила туриб, эшик оғаларига шундай топшириқ берибди: олдин одамларни киритинглар, кейин ПРЕССАни! Хуллас, ўша йилгилиш на газеталарда, на радио-телевидениеда ёритилибди.

Сиз бошлиқ бўлишда ўрнатилган тартиб, яъни «биз Сиёсий Кенгаш

### Бегмат ОЧИЛОВга

Тахририят сиздан қаттиқ «хафа», ака! Нега дейсизми? Чунки чироий тadbирларнинг ишга утказиб қўйишда, инда-ми юрвеврасис. Ишхонага ҳам захира эшикдан оёқ учиди кириб-чиқасиз. Ўтиб кетганингизни сезмай қоламиз. Одам шунчалик ҳам оғир-босиқ бўладими? Ҳисоблаб чиқдик, охири икки йилда бирор марта «мана бу тadbирни нима учун ёритмадинглар» демабсиз. Нега бунақасиз? Суратингизни қўямасак ҳам жимсиз. Демак, буни бошқаларнинг кайфиятини бузишга арзимадинг нарса, деб ҳисоблайсиз. Соҳамизнинг ўзига хос жиҳатларини тушунганингиз учун катта раҳмат.

### Ботир МАРДАЕВга

Ҳа, дўст! Бу не холат? Сиз газетамизнинг бош саҳифасидаги шioriни унутиб қўйсангиз шекилли. Тadbиркорлик ва фермерлик бўлишдан азму шижоат, фидойилик талаб этилаётган бир пайтда «Большинчий» очиб ўтирганингизни қаранг. Ё «XXI ASR» ҳар доим БПТга бир, Ёшлар ва Аёллар қанотларига ярим саҳифадан жой беради, деб аразладингизми? Сал эътиборироқ бўлинг. Ахир сизга нақд икки саҳифа ажратиб қўйибмизку! Номлари эсингиздadir: «Қишлоқ мулкдорлари», «Эл эътиборидagi либераллар». Серғайрат йилгига ярашадими шундай муносабат? Ёки қайтадан академияга юборайликми? Қани, туринг! Ташаббус кўрсатишга шошилинг.

Тўхтаган-тўхтаган, байрам ҳазилимизни эшитиб кетинг: дастурхон атрафига йилгилан қиялларингиз умуман касал бўлмасин. Уларга кўрсатмасдан хў-анави тиниқ «сув»дан ичворинг. Шамоллашинг олдини олади. Бемор тушунчасини бутунлай унутасиз.

### Бегмат ОЧИЛОВга

Тахририят сиздан қаттиқ «хафа», ака! Нега дейсизми? Чунки чироий тadbирларнинг ишга утказиб қўйишда, инда-ми юрвеврасис. Ишхонага ҳам захира эшикдан оёқ учиди кириб-чиқасиз. Ўтиб кетганингизни сезмай қоламиз. Одам шунчалик ҳам оғир-босиқ бўладими? Ҳисоблаб чиқдик, охири икки йилда бирор марта «мана бу тadbирни нима учун ёритмадинглар» демабсиз. Нега бунақасиз? Суратингизни қўямасак ҳам жимсиз. Демак, буни бошқаларнинг кайфиятини бузишга арзимадинг нарса, деб ҳисоблайсиз. Соҳамизнинг ўзига хос жиҳатларини тушунганингиз учун катта раҳмат.

### Севара МУСЛИМОВАга

Эҳ, аёллар, аёллар, «Аёллар қаноти»... Сизларни тушуниш жуда мушкул-да. Масалан, болаларни ўзингиз туғиб, оқ ювиб-оқ тараб, «Ёшлар қаноти»га билим-иқтидорли қилиб тарбиялаб берасизларда, яна

### Бегмат ОЧИЛОВга

шу бўлим билан рақобатта киришасизлар. Қани бунда мантук? Назаримизда, ёшлар гаплашгани кўп ютуқларга эришса, биринчи галда бундан аёллар шунчалик хурсанд бўлиши керак. Чунки аёл — она дегани. ОНА! Оллоҳ берган ана шу мартабада ҳаммаси муважзам эмасми?! Севара опагон! Биласизми, аёллар олдида нафақат ёшлар, қап-қатта эркалар ҳам ип эшолмайди. Бу ҳақиқатни тан олмаган бир киши барча эркаларни тўллаб, «хотинидан кўрақиданлар олдинга чиқсин», дебди. Ҳаммаси гурс этиб қадам ташлабди. Бир нафари қимирламабди. Ва унга ҳавас билан қараётганларга секингина сўзлабди: хотиним ўрингиздан жилманг, деб кетганди... Ўзга изоҳнинг ҳожати йўқ, шундай эмасми?

### Бахтиёр АХМЕДОВга


Тартиб-интизомли, куюнчак, масъулиятли, бахслашини хуш кўрадингиз. Шу ўхшатишларнинг қайси бирини ўзингиз эътироф этасиз. Очиги, сиз билан ҳамкорлигимиз жуда мустақкам эканидан биз ҳам БАХТИЁРМиз. Зеро, саҳифангиз қанда бўлмади чикиб турибди. Айни пайтда саволларимиз ҳам йўқ эмас: бугун шу саҳифа неча бошланғич ташкилотга этиб боряпти? Келгуси йилга қанча БПТ обуна бўлди? Раҳбарият топшириғи билан тарқатилган шартномалар қаерда қолди? Нима, партиянинг таянч тузилмалари бўлган БПТлардан обуна уюштириш менинг вазифамга кирмайди, деяёйсизми? Балки ҳақдорсиз. Чиндан ҳам тахририят ўзининг аравасини ўзи тортиши керак. Лекин журналист деганининг саволлари ҳеч тугамас экан-да. Маса-

### Бегмат ОЧИЛОВга

лан, унда бу саҳифани ким учун чиқаряпмиз сингари. Бўлар-бўлмас гапларимизни оғир олманг. Бор-йўғи байрам ҳазили-да. Энг муҳими, эртага катта лавозимларда хизмат қилганингизда Янги йил куни «XXI ASR» менга шундай таъриф берганди, дея эслаб юрсангиз бас.

### Адхам ХУСЕНОВга

«Икки мудири ва бир мухбир мулоқоти». Янги руқни мизга кўзингиз тушгандир. Унда икки мудирига бир хил савол берилди. Бундан ташқари, мухбирлар қоғоз қоралаганда кайтариларини имкон қадар бартараф этишга астойдил ҳаракат қилишади. Шу маънода сиз юқоридаги ҳамкасбингизга берилган саволлар билан танишсангиз киёф. Фақат БПТ қисқартмаси ўрнига «ДЕПУТАТЛИК КОРПУСИ» сўз бирикмасини қўйиб ўқисангиз етарли. Биласизми, бошқа тахририятлар бизга ҳавас қилишади. Обуна учун елиб-югуришларинг шарт эмас, дейишади. Сабабини суриштирсак, маҳаллий кенгашлардаги депутатларнинг бир донадан обуна бўлганда ҳам бу борадаги микдор анчага етиб қолишини айтишади. Жуда тўри таъкид. Аммо биз ҳам сир бой бермаймиз. Байрам муносабати билан қуйидаги истиғимини инобатга оласиз, деган умидимиз. Гап шундаки, илгари тахлийий-танқидий мақолалар билан қатнашиб, тахририят ходимлари билан бир пиёла чай устида гурунглашиб турардингиз. Янги — 2016 йилда шу анъанаини қайта тиклансангиз. «Депутатлик гуруҳларида» номли саҳифани журналистлар тўлдиргани қайда-ю, «Чумқуқни қассоб суйгани» қайда? А, лаббай!





# ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

## Африкада қор, Арктикада баҳор

ёхуд сўнги беш йилда икки триллион тонна муз сувга айлангани хусусида

Ақбар МУЗАФФАРОВ,  
«XXI asr»

Ўлкамизга қиш фасли кириб келганига қарамастан, декабрь ойининг дастлабки кунларида баҳор нафаси кезиб юрди. Мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида ҳаво ҳарорати 28 даражагача кўтарилди. Кейинги йилларда қутилмаган иқлим ўзгаришлари кўникиб қолган бўлса-да, табиатнинг ушбу тўхфасини ҳар ким ҳам хил қабул қилади.

Айни пайтда она Сайёранинг бу каби қутилмаган «қарор»лари дунёнинг барча мамлакатларида кузатилаётди. Мисол учун, одатда қиш бўлмайдиган Африкада ўттиз сантиметр қалинликда қор ёққани, шимолий ўлкаларда ҳаво ҳароратининг исиб кетиши сингари гайриодатий ҳолатлар фикримиз тасдиғидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, иқлимдаги ўзгаришлар барча океан ва қитъалардаги табиий тизимларда сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлаётди. Келгуси ўн йилликдан бошлаб фасллар билан боғлиқ ноодатий жараёнлар бошланиши мумкин. Масалан, жуда қаттиқ совуқ ҳум сурайдиган қиш ўрнини бирдан жазирага ёз эгаллаши ҳеч гап эмас экан. Ҳатто бир кеча-кундуз ораллигида иссиқ ва совуқ ҳароратнинг алмашинуви тез-тез рўй бериши эҳтимолга яқин. Бошқача айтганда, йил давомида факат қиш ёки ёз фасли кузатилиши мумкин. Оқибатда ҳаво таркибидега атроф-муҳит, инсон саломатлигига салбий таъсир қилувчи моддалар миқдори, уммон сувларининг эса кислоталилик даражаси ортishi тахмин қилинмоқда.

2035 йилга қадар Ер юзидега ҳарорат тахминан 0,7 даража, 2081 йилга бориб эса 1986-2005 йиллардаги кўрсаткичга нисбатан қарийб 2 даража кўтарилиши башорат қилинаётди. Натيجанда доимий музликларнинг эриш жараёни тезлашиб, океанлар сатҳи юксалади. Олимларнинг таъкидлашича, икки кутбда ҳам муз қатламлари жуда тез эримоқда. Чунончи, сўнги беш йил ичида икки триллион тоннадан зиёд муз сувга айланди. Биргина Гренландияда эриган муз суви билан Байкал кўлини тўрт мартаба тўлдирish мумкин экан.

Маълумки, табиатнинг ўз мувозанатини сақлашга уриниши ёввойи тарзда кечади ва уни бошқариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам аномал ҳолатлар жазон иқтисодийётига жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Бундан миллиардлаб доллар миқдорда зарар кўрилаяпти.

Хусусан, Ҳиндистон Энергетика, атроф-муҳит ва сув ресурслари кенгашининг Гандинагар шаҳридаги технология институти ҳамда Аҳмадбоддаги

менежмент институти тайёрлаган ҳисоботда иқлимнинг ўзгариши оқибатларига қарши курашиш учун мамлакатга 2030 йилга қадар камида бир триллион доллар миқдорда маблағ керак бўлиши қайд этилган.

Ҳисобот муаллифлари 2016-2045 йиллар давомида Ҳиндистондаги ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати 1-1,5 даражага ошади ва бу қишлоқ ҳужалиги, айниқса, ўсимликларга салбий таъсир қилишини таъкидлашмоқда. Айтишлари-ча, биргина 2013-2014 йиллар давомида иқлим ўзгаришига мослашиш учун мамлакат 91,8 миллиард доллар сарфлаган.

1971 йилдан 2007 йилгача Ҳиндистондаги ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати ҳар ўн йилда тахминан 0,2 даражага ўсиб келган бўлиб, сўнги 100 йил ичида мамлакатдаги иссиқ ҳаво Цельсий бўйича 1,02 даражага кўтарилди.

БМТ ҳузуридаги иқлим ўзгаришини ўрганиш ҳужжатларида экспертлар гуруҳи ҳам XXI аср охирига бориб сайёрамиздаги ўртача ҳарорат одатдагидан иссиқ бўлиши таъкидламоқда. Бунинг оқибатида денгиз сатҳи ярим метр кўтарилиши ва турли тошқинлар юзага келиши тайин. Демак, яқин ўн-ўн беш йиллар ичида об-ҳаво масаласи бош мавзулардан бири бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Бугунги кунда дунё миқёсида экологик муаммоларнинг олдини олишга қаратилган БМТ конвенцияси ва Киото протоколи каби халқаро ҳужжатларда белгиланган вазифалар — иқлимга антропоген омилларнинг таъсирини анқлаш, «иссиқхона ҳодисаси»ни ҳосил қилувчи манбаларни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Мамлакатимизда ҳам бу борада самарали фаолият олиб борилмоқда.

Ўзбекистон 1993 йилда БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенциясига қўшилиб, бир қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олган.

Мамлакатимизнинг мазкур конвенция доирасидаги муҳим мажбуриятларидан бири бу — иссиқхона газларининг миллий инвентаризациясини ва иқлим ўзгариши тўғрисидаги миллий ахборотномани тайёрлашдан иборатдир. Таъкидлаш жоизки, бу ҳужжатда иссиқхона газлари чиқарадиган асосий манбалар ва ушбу газларнинг миқдори келтирилади. Эътиборлиси, Ўзбекистонда бундан аввал, яъни 1999 ва 2008 йилларда иккита миллий ахборотнома мавафқиятли тайёрланган. Айни пайтда Гидрометеорология хизмати маркази (Гидромет) томонидан учинчи ахборотнома устида фаол иш олиб борилмоқда.

Бу борадаги амалий ишлар ҳақида гап кетганда, мамлакатимизда кимё, энер-

гетика, нефть-газ тармоғи корхоналарини техник-технологик янгилаш, экологик соф механизмларни ишлаб чиқаришга таътиқ этиш юзасидан қатор лойиҳалар амалга оширилаётганини қайд этиш жоиз. Хусусан, «Фаргонаазот», «Максам-Чирчик», «Ўзбекхиммаш» каби корхоналарда биогаз мосламалари ишлаб чиқарилиб, самарали фойдаланилмоқда. Худудларда Глобал экологик жамғарманинг кичик грантлар дастурлари доирасида сув тежайдиган технологияларни жорий этиш, ўрмонларни тиклаш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, иқлим ўзгариши ҳолатига мослашишга оид лойиҳалар ҳаётга изчиллик билан таътиқ этилаётди. Қолаверса, мазкур йўналишдаги миллий қонунчилики янада такомиллаштириш, аҳолининг экологик билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майда қабул қилинган «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури» тўғрисидаги қарори бу борадаги саъй-ҳаракатларни тизимли ташкил этишда муҳим омил бўлаётди. Ушбу ҳужжат асосида республикамизда фаолият юритиб келаётган кимёвий корхоналарнинг моддий-техник базаси модернизация қилиниб, атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли газлар ва бирикмалар миқдори камайтирилаяпти. Сув ва тупроқнинг тозаллигини сақлаш, муҳофаза этиладиган ҳудудлар, ўрмонларни кенгайтириш, қайта тикланмайдиган табиий ресурсларни иқтисод қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш борасидаги қатор лойиҳалар халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳаётга жорий этилмоқда.

Шу ўринда дунё олимларининг глобал иссиқхона қарши курашишининг янги усуллари яратиш устида муттасил илмий тадқиқотлар олиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Соҳа мутахассисларининг фикрича, бунда селекция йўли орқали ўсимлик барглари ялтироқ тусга киритилади. Ана шундай барглр эса қуёш нурларини қайтариш хусусиятига эга. Ушбу усул экинлар альбедосини (нурни қайтариш хусусияти) 20 фоизга ошириш имконини беради ва сайёрамизда ҳароратни бир даражагача тушириш имкониятини юзага келтиради. Бироқ бошқа экспертларнинг сўзларига кўра, ўсимликларни бу тарзда модификация қилиш ҳосил унумдорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

Қисқаси, сайёрамизда содир бўлаётган иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалалар барча-барчамизни табиатнинг ёзилмаган қонунларига зид тарзда иш юритмасликка чорламоқда.

**«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»  
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**

азиз ватандошларимизни  
Янги йил байрами билан  
чин қалбдан табриклайди.  
Сизларга узоқ умр,  
сиҳат-саломатлик,  
2016 —  
СОҒЛОМ ОНА  
ВА БОЛА ЙИЛИ  
ҳаммамизга яхши кунларни,  
тўйларни олиб келсин, деб қоламиз.

**Янги йилингиз муборак бўлсин, азизлар!**

Хизматлар лицензияланган.

Поп тумани йўл хўжалиги пудрат  
таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жамоаси

барча ватандошларимизни

**2016 —  
ЯНГИ ЙИЛ**

билан табриклайди!

Янги йил сизга бахт-иқбол,  
хонадонингизга файз-барака,  
юртимизга хотиржамлик  
ва фаровонлик олиб келишини  
тилаб қоламиз!

Хизматлар лицензияланган.

**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ ҲУЗУРИДАГИ  
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ  
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ  
ЭКСПОРТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
ЖАМҒАРМАСИ ЖАМОАСИ**

Ўзбекистон халқини  
кириб келаётган  
Янги йил байрами билан  
самимий муборакбод этади.  
Соғлом она ва бола йилида  
барчангизга мустаҳкам соғлиқ,  
оилаларингизга  
тинчлик-хотиржамлик,  
дастурхонларингизга  
қут-барака тилаймиз.  
Байрам кайфияти  
сизларни йил давомида  
асло тарк этмасин!

Хизматлар лицензияланган.



# СЎНГГИ САҲИФА

## Ўқувчиларга янги йил совғаси

Янги йил арафасида Тошлоқ тумнидаги 5-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг қалби шодликка тўлди. Улар ихтиёрига муҳташам кўринишдаги янги спорт зали топширилди. Замонавий иншоот шинам, кўркам ва ўзига хос услубда қурилган. Уни бунёд этиш учун Болалар спорт-

ни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 562 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу бинони «Орзу таъмир қурилиш файз» хусусий корхонаси қурувчилари қисқа муддатда битказишга муваффақ бўлишди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

»ҚУТЛОВ

## Qishloq Qurilish Bank

**«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат-банк жамоаси барча юртдошларимизни Янги 2016 йил билан самимий муборакбод этади. Сизга ва яқинларингизга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат, тинчлик ва хотиржамлик ҳамроҳ бўлишини тилаб, қуйидаги омонат турларини таклиф этади.**

**Миллий валютада:**

- «Адолат» – омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.
- «Мураббий» – омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- «Қадрли» – омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

**Хорижий валютада:**

- «Percent» – омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- «Profit» – омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

**ОМОНАТГА МАБЛАҒЛАР АҚШ ДОЛЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, ФОИЗЛАР ҲАР ОЙДА ЁКИ ОМОНАТ МУДДАТИ ТУГАГАНДАН СЎНГ БЕРИЛАДИ.**

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилайётган ўй-жойларни оловчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

- «Хонадон» – маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
- «Мадад» – маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.
- «Қурилишга бошланғич бадал» – муддати 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатингиз:

- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- ✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- ✓ миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун:  
(+998 71) 150-72-58, 150-39-93  
**www.qqb.uz**

**Қишлоқ қурилиш банк – фаровон ҳаётингиз хизматида!**

Хизматлар лицензияланган

## НАМАНГАН МОМИҚ СОЧИҚЛАРИ

### масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни  
**ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ**  
муносабати билан  
самимий қутлайди.  
Келаётган йил  
ҳар биримиз учун  
қут-баракали бўлсин!

Сизларга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик  
тилаган ҳолда янги йилда қуйидаги  
маҳсулот турларини таклиф қиламиз:

- Эркаклар ва аёллар учун ҳаммом халатлари
- Болалар момиқ халатлари
- Турли ўлчамдаги момиқ сочиқлар
- Ётоқхона мебеллари учун момиқ чойшаблар

Мурожаат учун: +998(98) 560-00-35,  
+998 (97) 910-22-62, +998(94) 475-10-05  
**www.artsofttex.uz**

Хизматлар лицензияланган.

## AVTOSALON

### «SARDOR AVTO INVEST»

**ZAZ**

ZAZ Forza  
дв: 109 л.с.  
бензин / газ

**LADA**

Нива Бизнес - пикап, 4X4  
Дв: 80,92 л.с. - бензин / газ

**UAZ**

**Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ**

Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.  
Телефонлар: (+998 71) 215-09-11, 250-23-93.  
**www.sardor-avto.uz**

Маҳсулотлар сертификатланган  
Хизматлар лицензияланган